

# **МАБАДИУЛ УСУЛ**

## **Усулул фикҳ асослари**

**Муаллиф: Саъийд Аҳмад Болонпурий Ҳанафий**

**Мутаржим: Афзал Абзор**

**Тошкент 2015**

## **РАҲМАТИ БУ ДУНЁДА ОММАИ МАХЛУҚОТЛАРГА, ОХИРАТДА МЎМИНЛАРГА ХОС БЎЛГАН АЛЛОҲНИНГ ИСМИ ИЛА БОШЛАЙМАН**

### **Муқаддима**

Оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин. Расуллар саййидига, у кишининг аҳллари ва саҳобаларининг барчаларига салоту салом бўлсин.

(Ҳамд ва салоту-саломдан) Сўнг: “Усулул фикҳ” – шаръий далиллардан амалий ҳукмларни чиқариб олиш учун восита бўлувчи қоидалардан баҳс қилувчи илмдир.

**Шаръий далиллар – Китоб, суннат, ижмоъ ва қиёсдир.**

Усулул фикҳ илмида ўрганилувчи мавзу –шаръий далиллар бўлиб, улар амалий ҳукмларга олиб бориши жиҳатидан ўрганилади.

Усулул фикҳ илмини ўрганишдан мақсад – (ҳар бир нарсада бўлганидек аввало Аллоҳ ризоси, сўнгра) шаръий далиллар орқали амалий ҳукмларни таниб олиш ва шаръий далиллардан амалий ҳукмларни чиқариб олишда мукаммал малакага эга бўлиш. (Амалий ҳукмлар бу – фаръий ҳукмлар бўлиб, аслий ҳукмлар бу – эътиқодий ҳукмлардир. Шунингдек сулукий ҳукмлар, яъни фикҳи ботинга алоқадор

ҳукмлар ҳам бўлади. Ушбу барча турдаги ҳукмларнинг асл манбаи Китоб ва суннатдир).

Шаръий далиллар тўртта бўлгач, ҳукмларни чиқариш йўллари маълум бўлиши учун ўша далилларни баҳс қилиш, чуқур ўрганиш шарт бўлади.

### **Аввалги баҳс: Олий Аллоҳнинг Китоби ҳақида**

“Китоб” – Қуръондир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилингандир, мусҳафларга битилгандир, у киши соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шубҳа йўқ даражада мутавотир йўл ила нақл қилингандир.

Усулийлар (Усулул фикҳ олимлари) Аллоҳнинг Китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари борасида тўртта тақсимот қилганлар. Ўша тўрт тақсимотдан йигирмата қисм ҳосил бўлади.

### **Аввалги қисм лафзни - (мутлоқ) маънони ифодалаши эътиборидан - таъйин қилишдир**

Лафз – (мутлоқ) маънони ифодалаши учун - таъйин қилиниши жиҳатидан тўрт қисмга бўлинади: хосс (الْخَاصُّ), омм (الْعَامُّ), муштарак (الْمُشْتَرَكُ), муаввал (الْمُؤَوَّلُ).

1 – Хосс. Хосс бу – маълум маъно ёки маълум номланувчини ёлғизлик, бир ўзилик жихатидан ифодалаш учун таъйин қилинган лафздир. Ушбу маъно “Зайд” каби шахс бўладими, “эркак” каби навъ бўладими, “инсон” каби жинс бўладими фарқи йўқ. (Бу ердаги навъ, жинс дейилгани усулийлар истилоҳида, мантикийлар истилоҳида эмас).

Мисоли Аллоҳ таолонинг ушбу қавли:

وَالْمُطَلَّقَاتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ

“Талоқ қилинган аёллар ўзларини уч қуруъ пойлайдилар” (Талоқ 228). Оятдаги “уч” калимаси хосс исм бўлиб маълум ададни ифодалаш учун таъйин қилинган. “Қуруъ”дан мурод ҳайздир. Бас, аёл киши ҳайздан поклик даврида талоқ қилинса, иддаси комил уч ҳайз кўриш бўлади.

Хосснинг ҳукми: хосс қатъий далилдирки унинг асосида амал қилиш вожиб бўлади. Зеро, у ўзи далолат қилган нарсани қатъий равишда ўз ичига олади.

Мулоҳаза: амр, наҳй, мутлоқ, муқайяд – хосснинг қисмларидандир. Уларнинг баёни қуйида келади.

2 – Омм. Омм бу – ёлғиз, бир ўзи (бўлиб, умумий бир гуруҳдан) бўлганларнинг жамълигини - “мусулмонлар” ва “мушриклар” каби лафз жихатидан ўз ичига олган ёки “ким”, “нима” ва “қавм”, “тўда” каби маъно жихатидан - ўз ичига олган лафздир.

Омм икки навъдир:

(а) Ундан ҳеч нарса хоссланмаган омм. Бундай оммга Аллоҳнинг ушбу қавли мисол:

إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

“Албатта, Аллоҳ барча нарсани билгувчидир” (Анфол 75). (Ушбу оятдаги “наrsa” омм бўлиб ундан ҳеч наrsa хоссланмаган). Ва ушбу қавли:

فَأَقْرُؤُوا مَا تَيَسَّرَ مِنَ الْقُرْآنِ

“Қуръондан муяссар бўлганича ўқингиз” (Муззаммил 20). (Ушбу оятда “муяссар бўлганича” ибораси оммдир. Шу сабабдан намознинг дуруст бўлишлиги “Фотиҳа” сурасини ўқишга боғланиб қолмаган).

Ундан ҳеч наrsa хоссланмаган оммнинг ҳукми: у қатъий бўлиб хоссинг манзиласидадир. У далолат қилган наrsa асосида амал қилиш вожибдир. (Бундай оммнинг муқобилида хабари воҳид келса, ўша хабари воҳидга оятдан собит бўлган оммнинг ҳукми ўзгармайдиган важҳда амал қилинади).

(б) Ундан баъзиси хоссланган омм. Бундай оммга Аллоҳ таолонинг ушбу ояти мисол:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ

“Аллоҳ байъни ҳалол қилди...” оятнинг аввалида Аллоҳ байъни ҳалол қилди, сўнгра

وَحَرَّمَ الرِّبَا

**“...ва рибони ҳаром қилди”** (Бақара 275) ояти ила барча турдаги савдолар орасидан ичида рибо бўлган савдони ҳаром қилиш ила хосслади.

Ундан баъзиси хоссланган оммнинг ҳукми: оммнинг хосслангандан кейин қолгани асосида амал қилиш вожибдир. Оммнинг хосслангандан кейин қолганида яна хоссланиш эҳтимоли бўлади. Оммнинг баъзиси хосслангач у қатъийлигича қолмай, зоннийга айланади.

Фоида: “Тахсийс” (хосслаш) гоҳида мажҳул хоссловчи ила бўлади, Аллоҳнинг ушбу қавли мисолдир:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

**“Аллоҳ байъни ҳалол қилди ва рибони ҳаром қилди”** (Бақара 275). Рибоси бор байъ мажҳулдир. (Оят билан рибо қандай бўлишини тушуниб бўлмайди. Сўнгра суннат рибони тўлиқлигича баён қилиб беради). Гоҳида хосслаш маълум хоссловчи ила бўлади, бунга Амирнинг “мушрикларни қатл қилинглари ва аҳли зиммани қатл қилманглари” деб қилган буюруғи мисолдир.

3 – Муштарак. Муштарак бу – икки бир-бирига ҳилоф маънолар ёки “жория” (чўри ёки кема), “муштарий” (сотиб олувчи ёки юлдузнинг номи) ва “қуруъ” (ҳайз ёки ҳайздан поклик) каби ҳақиқатлари турлича бўлган маъноларни ифодалаш учун таъйин қилинган лафздир.

Унинг ҳукми: маъноларидан биттаси ирода қилинганида, бошқа маънолари ирода қилинмаслигидир. (Масалан “қуруъ”дан ҳайз маъноси ирода қилингач бир вақтнинг ўзида ундан поклик маъноси ирода қилинмайди

ёки поклик маъноси ирода қилинганч бир вақтнинг ўзида ундан ҳайз маъноси ирода қилинмайди).

4 – Муаввал. Муаввал бу – маъноларидан бири раъйнинг ғолиблиги ила устун кўрилган лафздир. Ҳанафийларнинг “қуръу” лафзида (“ҳайздан поклик” маъносидан) “ҳайз” маъносини таржих қилганлари (устун кўйганлари) мисолдир.

Муаввалнинг ҳукми: (таржих қилинган раъй) хато бўлиш эҳтимоли бор бўлган ҳолда унинг асосида амал қилишнинг вожиб бўлишидир.

### **Иккинчи қисм лафзни истеъмол қилиш эътиборидандир**

Лафз ўзи таъйин қилинган маъно ёки бошқа маъно учун истеъмол қилиниши эътиборидан ва маъносини очик ифодалаб ёки маъносини беркитиб истеъмол қилиниши эътиборидан тўрт қисмдир: ҳақиқат (الْحَقِيقَةُ), мажоз (الْمَجَازُ) ва сарийх (الصَّرِيحُ), киноя (الْكِنَايَةُ). (Агар лафз ўзининг таъйин қилинган маъносида истеъмол қилинса: у ҳақиқатдир. Агар ўзининг таъйин қилинган маъносидан бошқа маънода истеъмол қилинса: у мажоздир. Сўнгра ушбу икки тур маъноси очик, равшан ҳолида истеъмол қилинса: у сарийхдир. Бўлмаса: у киноядир. Бас, сарийх ва киноя ҳақиқат билан ҳам, мажоз билан ҳам жам бўлишлари мумкин).

(وَضْعٌ – “таъйин қилиш” бу лафзни мано учун шундай таъйин қилишки ўша маънога ўша лафз бирор қаринасиз (белги, аломатсиз) далолат қиладиган бўлади. Агар ушбу “таъйин қилиш” луғат (тил) асосчиси тарафидан қилинган бўлса: у луғавий таъйин қилишдир. Шарият эгаси тарафидан таъйин қилинган бўлса: у шарий таъйин қилишдир. Бир тўп одамлар тарафидан таъйин қилинган бўлса: у урфий таъйин қилишдир).

1 – Ҳақиқат. Ҳақиқат бу – муайян бир йиртқич ҳайвонга нисбатан “шер” дейилгани ва махсус рукнларни “намоз” дейилгани каби – қандай маъно учун таъйин қилинган бўлса, у ила айнан ўша маъно ирода қилинган лафздир. (Ҳақиқат омм ва хос билан жам бўлиши мумкин. Шунингдек мажоз ҳам).

Ҳукми: таъйин қилинган маъноси - хосс бўлсин ёки омм бўлсин – мавжуд бўлишидир.

2 – Мажоз. Мажоз бу – шижоъатли кишига нисбатан “шер” дейилгани каби – ораларида ўзаро муносабат бўлгани учун таъйин қилинган маъно эмас, бошқа маъно ирода қилинган лафздир. (Ҳақиқий шер билан мажозий “шер” орасидаги муносабат шижоъатлиликда намоён бўлади).

Мажознинг ҳукми: мажоз қилинган маъноси - хосс бўлсин ёки омм бўлсин – мавжуд бўлишидир.

3 – Сарийҳ. Сарийҳ бу – “сотдим”, “сотиб олдим” дейилганидаги каби – у ила ирода қилинган маъно очиқ-ойдин бўлган лафздир.



Сарийҳнинг ҳукми: сарийҳ лафз ўзининг маъносининг собит бўлишини шарт қилади ва бунда ниятга муҳтож бўлинмайди. Масалан **أَنْتَ طَالِقٌ** (сен талоқсан) деб айтса, айтувчининг ниятига ҳожат тушмаган ҳолда ҳукмни ифодалайди.

4 – Киноя. Киноя бу – **أَنْتَ بَائِنٌ** (сен боинсан, ажрагансан) дейилганидаги каби – маъноси бирор қарина (белги, аломат) ила фаҳмланадиган лафздир.

Киноянинг ҳукми: Киноя - ният ёки “далолати ҳол” мавжуд бўлганида - ўзининг маъносининг собит бўлишини шартли равишда тақозо қилади. (“Далолати ҳол” дейилганда мақсадни ифодаловчи, барчага зоҳир бўлган ҳолат тушунилади. “Далолати ҳол”га талоқ музокараси бўлаётгандаги ёки эр ғазабланган пайтдаги ҳолат мисол бўлади. Шундай пайтда эр хотинига **أَنْتَ بَائِنٌ** (сен боинсан, ажрагансан) деса, далолати ҳолга биноан талоқ тушди деб ҳукм қилинади).

### **Учинчи тақсим маънонинг зоҳир бўлиши ва махфий бўлиши эътиборидандир**

Лафз – ўз маъносининг зоҳир бўлиши эътиборидан – тўрт қисмдир: зоҳир (**الظَّاهِرُ**), насс (**النَّصُّ**), муфасссар (**الْمُفَسَّرُ**), муҳкам (**الْمُحْكَمُ**). Ўз маъносининг махфий бўлиши эътиборидан ҳам тўрт қисмдир: хафий (**الْخَفِيُّ**), мушkil

(الْمُشْكِلُ), мужмал (الْمُجْمَلُ), муташобеҳ (الْمُتَشَابِهُ). Буларнинг барчаси бир-бирининг муқобилида туради.

(Зоҳир – хафий, насс – мушқил, муфасссар – мужмал, муҳкам – муташобеҳ. Агар лафзнинг маъноси зоҳир бўлса, унда таъвил эҳтимоли бўлади ёки бўлмайди. Унда таъвил эҳтимоли бўлганида, унинг маъносининг зоҳир бўлиши фақат сийға орқали бўлса: у зоҳирдир. Агар фақат сийға эмас бошқа жиҳатдан ҳам унинг маъноси зоҳир бўлса: у нассдир. Аммо маъноси зоҳир бўлган лафзда таъвил эҳтимоли бўлмаса ва у насх бўлишни қабул қилса: у мафасссардир. Насх бўлишни қабул қилмаса: у муҳкамдир.

Энди ўша лафзнинг маъноси махфий бўлганида унинг махфийлиги сийғадан бошқа бир ориз сабабидан бўлади, агар шундай бўлса у хафийдир. Ёки унинг махфийлиги сийғанинг ўзининг сабабидан бўлади. Бунда уни тааммул ила идрок қилиш мумкин бўлса: у мушқилдир. Аммо мумкин бўлмаганда унинг баёни мутакаллим тарафидан баён қилиб берилишига умид бўлса: у мужмалдир. Умид бўлмаса: у муташобеҳдир).

1 – Зоҳир. Зоҳир бу - тааммулсиз эшитишнинг ўзи - эшитувчига ирода қилинган муродни зоҳир қилган каломдир. Аллоҳнинг ушбу қавли:

أَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

**“Аллоҳ байъни ҳалол қилди ва рибони ҳаром қилди”**  
(Бақара 275) байънинг ҳалоллиги ва рибонинг ҳаромлиги эканлигида зоҳирдир.

Зоҳирнинг ҳукми: Ундан бошқа нарса ирода қилинганлиги эҳтимоли ила – хосс бўлсин ёки омм бўлсин – ундан зоҳир бўлган асосида амал қилишнинг вожиб бўлишидир.

2 – Насс. Насс бу - калом унинг сабабидан келтирилган нарсадир. Аллоҳнинг ушбу қавли:

أَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

“Аллоҳ байъни ҳалол қилди ва рибони ҳаром қилди” (Бақара 275) байъ ва рибо орасида фарқ борлигининг баёни учун келтирилгандир.

Насснинг ҳукми: Таъвил қилиш ёки хосслашнинг эҳтимоли ила – хосс бўлсин ёки омм бўлсин – нассдан очиқ-ойдин бўлган нарса асосида амал қилишнинг вожиб бўлиши. (Нассдаги таъвил қилиниш эҳтимоли унинг қатъий эканлигига ҳалақит бермайди).

3 – Муфасссар. Муфасссар бу –мутакаллим тарафидан қилинган баён бўлиб у ила лафздан бўлган мурод – таъвил қилиш ёки хосслаш эҳтимоли қолмайдиган даражада - зоҳир бўлган нарсадир. Аллоҳ таолонинг ушбу қавли мисол:

فَسَجَدَ الْمَلَائِكَةُ كُلُّهُمْ أَجْمَعُونَ

“Ва фаришталарнинг барчалари биргаликда сажда қилдилар” (Сод 73).

(Оятдаги “**фаришталар**” лафзи оммликда зоҳирдир. Аммо хосслаш эҳтимоли мавжуд эди. Бас, ўша эҳтимол **كُلُّهُمْ** “**барчалари**” лафзи ила кўтарилди. Аммо сажда қилиш

вактидаги тафовут бўлиши мумкинлиги бор эди. Ушбу эҳтимол **“биргаликда”** **أَجْمَعُونَ** лафзи ила кўтарилди).

Муфасссарнинг ҳукми: у далолат қилган нарсасида амал қилишнинг — ваҳй замониданасх бўлиши эҳтимоли ила — вожиблигидир.

4 — Муҳкам. Муҳкам бу — таъвил қилишни ҳам, хослашни ҳам, насхни ҳам асло қабул қилмайдиган ҳолатда муфасссардан қувватда зиёда бўлган нарсадир. Аллоҳ таолонинг ушбу қавли мисол:

إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

**“Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани билгувчидир”**  
(Анфол 75), ва:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَظْلِمُ النَّاسَ شَيْئًا

**“Аллоҳ инсонларга ҳеч қанча зулм қилмас”** (Юнус 44).

Муҳкамнинг ҳукми: муҳкамга амал қилиш ва унга эътиқод қилишнинг — бошқа чора йўқ даражада — вожиб бўлишидир.

Ушбу тўрт турга муқобил бўлувчи бошқа тўрт тур бор, улар қуйидагилар:

1 — Хафий. Хафий бу — сийғадан бошқа ориз бўлувчи ила ундан ирода қилинган маъно махфий бўлган нарсадир. Аллоҳ таолонинг ушбу:

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا

“Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг икковларининг қўлини кесингиз” (Моида 38) қавли ўғри масаласида зоҳир бўлиб киссовур ва наббош масаласида махфий.

(Ўғри бировнинг мулкани махфий равишда олувчи киши, киссовур чўнтаккасар киши, наббош маййитларнинг кафанини ўғирловчи киши. Бу ердаги махфийлик кўриниши: Киссовурда ўғрилик маносидан зиёдалик, наббошда ўғрилик маъносидан ноқислик бор).

(Хафийдаги махфийлик сийға ва луғат жиҳатидан эмас, бошқа бир хорижий нарса сабабидан бўлади).

Хафийнинг ҳукми: ундан махфийлиги зоил бўлгунга қадар унинг ҳукмини ўрганиш.

(Агар киссовур каби маънода зиёдалик бўлса, ҳукмда бир бўлади. Агар наббош каби маънода нуқсон бўлса, ҳукмда бир бўлмайди).

2 – Мушкил. Мушкил бу – махфийлиги хафийдан ҳам махфийроқ бўлган нарса. Масалан нонни бошқа нарсага аралаштириб тановул қилмасликка ичилган қасам каби. (Бундай қасам сирка, мураббо каби нарсаларда зоҳир, аммо гўшт, тухум ва пишлоқ кабиларда мушкил).

Мушкилнинг ҳукми: унинг ҳукмини ўрганиш сўнгра унинг маъносини тааммул қилиш билангина ундан ирода қилинган маънога етилинади.

3 – Мужмал. Мужмал бу - махфийлиги мушкилдан ҳам махфийроқ бўлган нарса. Зеро, у кўпгина важҳларни эҳтимол қиладики мутакаллим тарафидан баён қилинмас

экан ундан ирода қилинган маъно ҳеч қандай ҳолатда маълум бўлмайди. Аллоҳ таолонинг ушбу қавли мисол:

وَحَرَّمَ الرَّبَّ

“...ва **рибони ҳаром қилди**” (Бақара 275). (Ушбу оятдаги “рибо” мужмал келгандир. Зеро, рибо луғатда “зиёда” маъносида келади. Сўнгра ушбу мужмал зиёдалиқ Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари ила баён қилингандир).

Мужмалнинг ҳукми: маънони мужмал қилган мутакаллим тарафидан баён қилингангина унга амал қилинади.

4 – Муташобех. Муташобех бу – ҳуруфи муқоттоъат, Аллоҳнинг муташобех сифатлари каби ундан қилинган мурод асло билиб бўлмайдиган даражада бўлган, махфийлиги мужмалдан ҳам махфийроқ бўлган нарса.

Муташобехнинг ҳукми: мутакаллим тарафидан унинг баёни келгунича ундан ирода қилинган нарсага чуқур эътиқод қилган ҳолда таваққуф қилиш.

(Муташобех оятлар икки турлидир: 1. Сураларнинг аввалида келувчи ҳуруфи муқоттоъатлар каби улардан ирода қилинган нарса мутлақо билиб бўлинмайдиган оятлар. 2. Аллоҳнинг юзи, қўли каби луғавий маъноси тушуниладиган, аммо улардан нима ирода қилингани тушунилмайдиган оятлар).

**Тўртинчи тақсим далолатнинг эътиборидандир**

Лафз – ҳукмга далолат қилиши эътиборидан – тўрт қисмдир: иборатун насс, ишоратун насс, далолатун насс, иқтидоун насс.

1 – Иборатун насс. Иборатун насс бу – унинг сабабидан калом келтирилган ва у ила қасддан ирода қилинган нарсадир, мисол Аллоҳнинг ушбу қавли:

عَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ

“...уларнинг ризқи ва кийим–кечаклари фарзанд кўрган эркаккадир...” (Бақара 233), ушбу оят онанинг нафақаси ва кийим–кечаги эрга бўлишини вожиб қилиш учун келтирилган.

Иборатун насснинг ҳукми: у ила собит бўлганнинг қатъан вожиб бўлишидир.

2 – Ишоратун насс. Ишоратун насс бу – насс билан собит бўлган, аммо калом унинг сабабидан келтирилмаган нарсадир. У ҳар қандай жихатдан зоҳир бўлмайди. Мисол Аллоҳнинг ушбу қавли:

عَلَى الْمَوْلُودِ لَهُ

“...фарзанд кўрган эркаккадир...” (Бақара 233), бу оятда фарзанднинг насаби оталарга нисбат берилишига ишора бор. (Оятда фарзанднинг насаби отага бўлиши оятдаги Ли ихтисос орқали ишора қилинган).

Ишоратун насснинг ҳукми: у ила собит бўлганнинг қатъан вожиб бўлишидир. Аммо у ва иборатун насс бир-

бирига рўбарў келиб қолганида иборатун насс олинисга ҳақлироқ бўлади. (Зеро, иборатун насс унинг сабабидан калом келтирилиши жиҳатидан ишоратун нассдан устунроқ туради. Мисол: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз ҳадисларида:

تَقْعُدُ شَطْرَ دَهْرَهَا لَا تَصُومُ وَلَا تُصَلِّي

**“Аёл киши ҳайз вақтида ярим ой ўтиради, рўза тутмайди ва намоз ўқимайди”** деганларидан ҳайзнинг энг кўпи ўн беш кун эканлиги ишоратун насс ила билиб олинади. Аммо бу ҳадис қуйидаги:

أَقَلُّ الْحَيْضِ ثَلَاثَةُ أَيَّامٍ وَلَيَالِيَهُنَّ ، وَأَكْثَرُهُ عَشْرَةُ أَيَّامٍ

**“Ҳайзнинг энг кам муддати уч кеча ва кундуз, энг узоқ муддати ўн кун”** (Асҳоби ситта ривоятлари) ҳадисларига қарама–қарши. Иккинчи ҳадисдаги ҳукмлар иборатун насс ила собит бўлгани учун аввалги ҳадисдаги ишоратун насс ила собит бўлган ҳукм устидан таржих қилинган).

3 – Далолатун насс. Далолатун насс бу – нассинг иллоти асосида - ижтиҳод эмас луғат жиҳатидан – собит бўлган нарса (“ижтиҳод эмас луғат жиҳатидан” дейилгани далолатун насс ва қиёсни фарқлаб берувчидир. Зеро, далолатун нассда иллат луғавий жиҳатдан билинади. Ижтиҳод қилиб билинмайди. Қиёсда эса ижтиҳод қилинади). Мисол Аллоҳнинг ушбу қавли:

وَلَا تَقُلْ هُمَا أُفٍّ



“...ва (ота-онанг) икковларига “уфф” дема...” (Исро 23), бу оятдан ота-онани уриш ва сўкиш ҳаромлиги билинган. (Зеро, “уфф” дейишнинг иллоти ота–онадан озорланишни даф қилишдир. Ушбу иллатни олим оятни эшитган заҳоти фаҳмлайди ва ижтиҳод қилишга ҳожат қолмайди. Бундан яна бир нарса билинади: масалан бирор қавмнинг тилида “уфф” дейиш яхши маънодаги сўз бўлса, ўша тил соҳиби ота–онасига “уфф” дейиши ила гуноҳкор бўлмайди. Зеро, бу ҳолатда иллат йўқ).

Далолатун нассинг ҳукми: у ила собит бўлганнинг қатъан вожиб бўлишидир, у иллатнинг умумий бўлгани учун ҳукмнинг умумий эканлигини ифодалайди.

4 – Иқтидоун насс. Иқтидоун насс бу – насс тақозо қилган нарса нассга киритилиш шарти билангина нассга амал қилишдир. (Нассга киритилган ушбу нарса шундай бўладики, агар у нассга киритилмаса нассга амал қилиш мумкин бўлмайди). Масалан أَنْتَ طَائِقٌ (сен талоксан) лафзи аёл киши талокқа айланиб қолганини эмас, унга талок тушганини собит бўлишини тақозо қилади ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг:

"رَفَعَ عَنْ أُمَّتِي الْخَطَأَ وَالْتِسْيَانُ"

“Умматимдан хато қилиш ва унутиб қўйиш кўтарилган” деганлари хато қилиш ёки унутиб қўйишнинг ўзи эмас, хато қилиб ёки унутиб қўйиб қилинган ёки қилинмаган амалнинг ҳукми кўтарилганлигини тақозо қилади.

Иқтидоун нассинг ҳукми: насс тақозо қилган нарсa зарурат миқдорича собит бўлиши. Зарурат миқдоридан ўтказилмайди, масалан أَنْتَ طَالِقٌ (сен талоқсан) лафзида уч талоқни ният қилса ҳам бир талоқ тушади.

**Йигирмата қисмнинг баёнидан фориғ бўлингач уларга таъаллуқли бўлган нарсаларни зикр қиламиз:**

**Амр ва наҳй хоссандир.** (Зеро, амр – хосс лафз бўлиб маълум маъно учун таъйин қилингандир. Ўша маъно - талаб қилишдир. Наҳй амрнинг зидди бўлиб у ҳам хоссдир).

Амр луғатда айтувчининг бировга ундан устун туриб افْعَلْ (бажар) деб айтишидир. Истилоҳда феълни бажаришни бировга лозим қилиб қўйишдир. Аллоҳнинг ушбу қавли бунга мисол:

أَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ

**“Намозни қоим қилинг ва закотни ато қилинг...”**  
(Ҳаж 78).

Амрнинг ҳукми: токи унинг хилофига бирор далил қоим бўлмас экан мутлоқ амр уни бажаришнинг вожиблигини шартли равишда ифодалайди. (Мутлоқ амр дегани ўша амрнинг вожиб ёки вожиб эмаслигига бирор қарина бўлмаган амрдир. Амр гоҳида мубоҳ қилиш учун, иршод қилиш учун, мандуб қилиш учун ва бошқа мақсадларда келтирилиши мумкин).

Наҳй луғатда айтувчининг бировга ундан устун турган ҳолида لَا تَفْعَلْ (қилма) деб айтишидир. Истилоҳда феълни тарк қилишни бировга лозим қилиб қўйишдир, Аллоҳнинг ушбу қавли бунга мисол:

لَا تَقْرُبُوا الزَّوْجَا

**“Зинога яқинлашмангиз...” (Исро 32).**

Наҳйнинг ҳукми: токи унинг хилофига бирор далил қоим бўлмас экан мутлоқ наҳй тарк этишнинг вожиблигини шартли равишда ифодалайди.

**Амрга таъаллуқли масалалар:**

**1 – Бирор феълга амр қилиш унинг такрорини тақозо қилмайди.**

Шу эътибордан صَلُّوا (намоз ўқинглар) дегани “бир маротаба намоз ўқинглар” деганидир. Ибодатларнинг такрор-такрор бўлувчилари ўзларининг сабабларининг такрорланиши сабабидан такрорланадилар. (Қачонки ибодат ўзининг сабаби ила вожиб бўлса, амр - вожиб бўлган амални адо қилиши учун бандага юзлантирилади. Масалан пешин вақтида пешин намози вожиб бўлади, яъни ўша вожибни адо қилиш учун амр бандага юзлантирилади. Ва вақтнинг такрор келиши ила вожиб ҳам такрорланади).

**2 – Вожиб икки навъдир:**

(а) Адо. У вожибнинг айни ўзини амр сабабидан бажариш.

(б) Қазо. У вожибнинг мислини амр сабабидан бажариш.

**Сўнгра адо икки навъдир:**

(а) Комил адо: айна вожибни сифатида камоллик ила бажаришдир. Масалан намозни ўз вақтида жамоат ила ўқиш каби.

Бундай адонинг ҳукми: у ила юкланилган мажбуриятдан халос бўлинади.

(б) Қосир адо: айна вожибни сифатида камоллик бўлмаган ҳолида бажаришдир. Масалан намозни фотиҳани ўқимай ёки таъдийли арконсиз ўқиш каби.

Бундай адонинг ҳукми: агар нуқсонни унинг мисли ила тўлдириш мумкин бўлса, мажбуран тўлдирилади. Бўлмаса, нуқсоннинг ҳукми соқит бўлади ва уни қасддан тарк этган гуноҳкор бўлади. (Қачонки намозда “Фотиҳа”ни унутиб тарк қилса, саждаи сахв қилади. Зеро, шариятда унинг мисли келтирилган. Аммо таъдили арконсиз намоз ўқиса, уни унинг мисли ила тўлдириб бўлмайди. Зеро, шариятда унинг мисли белгиланмаган. Бас, намози дуруст бўлади ва тарки вожиб сабабидан гуноҳкор бўлади).

**Қазо ҳам икки навъдир:**

(а) Комил қазо: вожибнинг мислини сурат ва маъно жиҳатидан бажариш. Масалан намознинг қазосини ўқиш каби.

(б) Қосир қазо: вожибнинг мислини фақат маъно жиҳатидан бажариш. Масалан ўлгандан сўнг қазо намози учун фидя берилиши.

Фоида: Адо ва қазо масаласида асл – адо бўлиб у комил бўлсин, ноқис бўлсин фарқи йўқ. Адони бажариш узрли бўлганидагина қазога ўтилади.

Фоида: Адода асл – комил адо қилишдир. Ноқис адога узрли бўлгандагина ўтилади.

Фоида: Қазодаги асл – комил қазодир. Комил қазога ожиз бўлингандагина ноқис қазога ўтилади.

Фоида: Суратан ҳам, маънан ҳам мисли йўқ нарсанинг қазоси вожиб бўлиши мумкин эмас. Унинг ҳукми охиратга кўчади. Масалан талофат етказилгач тўлаб бериб бўлмайдиган фоидалар каби. (Масалан бир қулни ғасб қилиб уни бир ой ўзи учун ишлатгач эгасига қайтариб берилгани каби. Ёки бир ҳовлини ғасб қилиб, унда бир ой тургач эгасига қайтарилгани каби. Бу ҳолатларда мислига зомин бўлиш ва айти манфаатни қайтариш мумкин бўлмагани учун кўрилган фойдага ғасб қилувчи зомин бўлмайди. Унинг иш охиратга кўчади).

Фоида: Шарият бирор амал учун мисл келтирса ва ўша мисл амалга суратан ҳам, маънан ҳам ўхшамаса, келтирилган мисл ўша амал учун шаръий мисл бўлади. Масалан ўлими яқин қарияга фидя Рамазон рўзаси учун мисл қилингани каби.

### **3 – Амр ила буюрилган нарса икки навдир:**

(а) Вақтга нисбатан мутлоқ амр. Масалан закот, ҳаж ва фитр садақаси кабилар.

Ушбу амрнинг ҳукми: Бундай амрни бажаришнинг вожиблиги дарҳол бажарилиш ҳолатида бўлмайди. Аммо, амрнинг ушбу туридаги буйруқни бажариш қолиб кетмаслиги шартдир. (Ушбу турдаги буюруқни дарҳол бажариш эса мандубдир).

(б) Вақт ила қайдлаб қўйилган амр. У икки навдир:

Биринчи навда қайдланган вақт феълни ўз ичига олади. Масалан намоз каби.

Ушбу навнинг ҳукми: қайдланган вақтнинг барчасини ўша буюрилган амал ила ўтказиш шарт қилинмайди. Шунингдек ўша вақтда ўша амалнинг вожиб бўлиши унинг жинсидан бўлган бошқа амалнинг вожиб бўлишини ва унинг саҳиҳ бўлишини йўққа чиқармайди. (Масалан пешин намози вақтида бошқа намоз ўқишни назр қилса, уни ўқиш вожиб бўлади ва пешин вақтида бошқа намозларни ўқиса, ўша намозлари дуруст бўлади).

Вақт тиғиз бўлса ҳам вақт ила қайдлаб буюрилган амал ниятни таъйин қилиш билангина адо бўлади.

Иккинчи навда қайдланган вақт феъл учун меъёр бўлади. Масалан рўза каби.

Ушбу навнинг ҳукми: шарият бу турдаги феълга вақт таъйин қилгач ўша вақтда ундан бошқа амал вожиб бўлмайди ва ўша вақтда ундан бошқасини адо қилиш жоиз бўлмайди. Шунингдек вақт ила қайдланган амални ният ила таъйин қилиш шарт бўлмайди. Масалан Рамазон ойидаги

рўза каби. (Агар соғлом, муқим киши Рамазон ойида бошқа вожиб рўзани тутишни ният қилса, ўша рўза ният қилинган рўза эмас балки Рамазон рўзаси сифатида ўтади. Ниятни таъйин қилиш шарти соқит бўлади ва мутлоқ ният ила рўза ўтаверади. Аммо, ниятнинг асли соқит бўлмайди).

**4 – Амр қилувчи ҳакийм бўлса, амр қилиш - амр қилинган нарсанинг гўзал эканлигига далолат қилади.**

Сўнгра амр қилинган амал гўзаллик борасида икки навдир:

(а) Ўз нафсида гўзал. Масалан Аллоҳга иймон келтириш, неъмат берувчига шукр қилиш, ростгўйлик, адолат, намоз ва шулар каби холис, солиҳ амаллар.

Бу каби амалларнинг ҳукми: буларнинг адоси вожиб бўлгач фақатгина адо қилинган зиммадан соқит бўлади. Бу ҳолат соқит бўлиш эҳтимоли бўлмаган амалларда бўлади. Масалан Аллоҳга иймон келтириш. Аммо, соқит бўлиш эҳтимоли бўлган амаллар адо ила ёки амр қилувчининг соқит қилиши ила соқит бўлади. (Намоз вақти кира солиб вожиб бўлгач, у адо ила соқит бўлади. Ёки жиннилик, ҳайз ва нифос кабилар ориз бўлиши сабабидан охирги вақтда соқит бўлади. Зеро, шарият намозни бу каби ҳолатлар ориз бўлганида буюрилганнинг зиммасидан соқит қилган. Намоз вақтнинг тиғизлиги, сув ва кийимнинг йўқ бўлишлиги ва шу каби ҳолатлар ила соқит бўлмайди).

(б) Бошқа сабабидан гўзал. Масалан жума намозига бориш ва намоз учун таҳорат қилиш каби. (Жумага бориш жума намозини ўқиш учун сабаб бўлгани учун, таҳорат намознинг калити бўлганлиги учун гўзалдир).

Бу каби амалларнинг ҳукми: бошқанинг соқит бўлиши ила ушбу амаллар ҳам соқит бўлади. (Жума ўқиши вожиб бўлмаган киши учун жумага бориш вожиб эмас, намоз ўқиши вожиб бўлмаган инсон учун таҳорат қилиши ҳам вожиб эмас).

Фоида: Ушбу навга шаръий жазолар, қасос ва жиҳод яқиндир. Шаръий жазолар жиноят қилишдан тўсиб туриши жиҳатидан, жиҳод эса кофирларнинг ёмонлигини даф қилиб Аллоҳнинг калимасини олий қилиши жиҳатидан гўзалдир.

### **Наҳйга таъаллуқли масалалар:**

**Наҳй қилувчи ҳакийм бўлса, бирор нарсадан наҳй қилиш - наҳй қилинганда қабихлик сифати бор эканлигини тақозо этади.**

Наҳй қилинган амал ё айни ўзи қабих бўлади ва бу икки қисмдир: Аввалгиси соғлом ақл жиҳатидан қабихлик, масалан нонкўрлик. Иккинчиси шаръий жиҳатдан қабихлик, масалан ҳур инсонни сотиш.

Ёки наҳй қилинган амал бошқанинг сабабидан қабих бўлади ва бу ҳам икки қисмдир: Аввалгиси васфланиши жиҳатидан қабих бўлади, масалан қурбонлик ҳайити куни рўза тутиш каби. Иккинчиси биргаликда бўлиш жиҳатидан қабихлик, масалан жума намозига азон айтилиш вақтида савдо қилиш каби.

(Айни қабих бўлган амал - унга лозим бўлган сифатлар, ориз бўлувчи ва у ила бирга бўлган ҳолатлардан қатъий назар - ўз зотида қабих бўлади.



Соғлом ақл жиҳатидан қабих бўлган амал шарият у ҳақида қандай ҳукм қилганидан қатъий назар соғлом ақл қабих кўрган амалдир, масалан нонкўрликни – шарият ҳукми бўлсин, бўлмасин - соғлом ақл қабих санайди. Зеро, неъмат берувчига нисбатан нонкўрлик қилишнинг қабихлиги соғлом ақлларга ўрнаштирилгандир.

Шаръан қабих бўлган амал шарият уни қабих деб атаган амалдир, масалан ҳур одамни сотиш. Ақл буни жоиз деса ҳам шарият савдони “молни молга алмаштириш” деб эътибор қилгани ва ҳур инсон шарият наздида савдо моли бўлмаганлиги учун қабих саналган.

Васфланиши жиҳатидан қабих бўлган амал ўша васф унга ёпишиб қолган ва ундан ажралмас бўлиб қолган амалдир, масалан қурбонлик ҳайити куни рўза тутиш каби. Рўза ўз нафсида ибодат бўлса ҳам, қурболик куни Аллоҳ тарафидан зиёфат куни қилингани учун ўша кунда рўза тутиш ҳаром бўлади. Зеро, рўза тутишда зиёфатдан юз ўгириш мавжуд. Мана шу маъно ўша рўзага ажралмас, лозим бўлиб қолгандир.

Биргаликда бўлиш жиҳатидан қабих амал уни қабих бўлишига сабаб бўлувчи ҳолат билан гоҳида биргаликда, гоҳида эса ундан ажралган ҳолда бўлган амалдир. Масалан жума намозига азон айтилиш вақтида савдо қилиш каби. Савдо ўз зотида машруъ амалдир. Аммо, у жумага боришни тарк қилишга сабабчи бўлганлиги учун азон вақтида ҳаром бўлади. Мана шу маъно савдо билан гоҳида биргаликда бўлади, гоҳида ундан ажралиб туради).

**Наҳй икки навдир:**

(а) Ҳиссий феъллардан наҳй қилиш. Масалан зино, маст қилувчини истеъмол қилиш, ёлғон ва зулм кабилар.

Бундай наҳйнинг ҳукми: наҳй бу каби феълларнинг айни ўзига қаратилган бўлади ва бу феълларнинг айни ўзи кабиҳ бўлади. Шунингдек бу феъллар ҳар қандай ҳолатда ҳам асло машруъ бўлмайди. (Ҳиссий феъллар – қадимдан маълум бўлган маънолари ўз ҳолича қолдирилган ва шарият тарафидан ўзгартирилмаган феъллардир. Масалан ноҳақ одам ўлдириш, зино, маст қилувчини истеъмол қилиш ва шу кабилар шарият уларни ҳаром қилганидан сўнг ҳам ўз маъно ва моҳиятларида қолгандирлар. Аммо бу гапдан бу каби феълларнинг ҳаромлиги ҳиссий жиҳатдан маълум эканлиги ва шариятга боғлиқ эмаслиги келиб чиқмайди. Уларнинг ҳаромлиги шарият ила собитдир).

(б) Шаръий феъллардан наҳй қилиш. Масалан қурбонлик ҳайити куни рўза тутиш ва макруҳ вақтларда намоз ўқиш кабилар.

Бундай наҳйнинг ҳукми: бундай феълларда наҳй қилинган нарса феълнинг айни ўзига боғлиқ бўлмайди. Ўша феъл ўз зотида гўзал бўлади, бошқаси сабабидан қабиҳга айланган бўлади. Шу сабабдан бу каби феълни қилган киши – айни ўзи эмас, балки бошқа сабабидан ҳаром бўлган амални бажарган бўлади. (Шаръий феъллар – аслий маънолари шаръият келгач ўзгарган феъллардир. Масалан рўза (совм) ўзини тийиб туриш маъносида бўлган. Шарият келгач унга бошқа нарсалар ҳам қўшилган. Намоз (салот) дуо маъносида бўлган. Шарият келгач унга бошқа нарсалар ҳам қўшилган).

Фоида: феълнинг ҳаром эканлиги ўша феъл ила ҳукм жорий бўлишини йўққа чиқармайди. Масалан ҳайзли аёлни талоқ қилиш жоиз бўлмаса ҳам, эри уни ҳайзли ҳолатида талоқ қилса, талоқ тушади.

### **Мутлоқ ва муқайяд хоссдандир:**

Мутлоқ: Сифатлари хосланмаган ҳолда зотнинг ўзига далолат қилган лафздир. Масалан Аллоҳ таолонинг қасам каффорати ҳақидаги

تَحْرِيرُ رَقَبَةٍ

“...бир қул озод қилиш...” (Моида 89) қавлидаги “бир қул” лафзи каби.

Мутлоқнинг ҳукми: Мутлоқ ўз мутлоқлигича жорий бўлади.

(Хосс гоҳида қайдланишдан ҳоли ҳолда келади. Яъни, бир нарса фақат ўз исми ила зикр қилинади ва у ила бирор сифат ёки бошқа нарса келмайди. Шу сабабдан у ўз жинсининг исталган фардига нисбатан истеъмол қилиниши мумкин бўлади. Гоҳида эса у бирор сифат, шарт, замон, адад ёки шунга ўхшаш бирор нарса ила қайдланган ҳолда келади ва ўз жинсининг исталган фардига нисбатан истеъмол қилиниши мумкин бўлмайди).

Муқайяд: Сифатлари хосланган ҳолда зотга далолат қилган лафздир. Масалан Аллоҳ таолонинг хато қилиб мўмин кишини ўлдириб қўйишнинг каффорати ҳақидаги

وَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُّؤْمِنَةٍ

“Бас, бир мўмин қул озод қилиш” (Нисо 92) қавлидаги “бир мўмин қул” лафзи каби.

Муқайяднинг ҳукми: Муқайяд ўз қайдланиши бўйича жорий бўлади. (Шу сабабдан, хато қилиб мўмин кишини ўлдириб қўйишнинг каффоратида мутлоқ бир қулни озод қилиш жоиз бўлмайди, балки мўмин бир қулни озод қилиш шарт бўлади).

### Ҳақиқат ва мажозга таъллуқли масалалар:

1 – Модомики ҳақиқий маънога амал қилиш имкони бўлса, мажозий маъно соқит бўлади. Зеро, мажоз қочирмадир. Қочирма эса аслини четга суриб чиқариб юбормайди. Масалан Аллоҳ таолонинг:

وَلَكِنْ يُؤَاخِذُكُمْ بِمَا عَقَّدْتُمُ الْأَيْمَانَ

“Лекин қасд ила тугган қасамларингиз учун тутар” (Моида 89) оятдаги каби. Бу оятдаги “қасд ила тугган қасамларингиз” ибораси фақат қасамга ҳамл қилинади ва ҳар қандай яхши ёмон қасамни ўз ичига олади. Азм қилишни эса ўз ичига олмайди. Зеро, араб тилида бу ибора азм қилиш учун мажозан ишлатилади, ҳақиқатан эмас. Мажоз эса ҳақиқатни четга суриб чиқариб юбормайди.

### 2 – Ҳақиқат уч навдир:

(а) Узрли ҳақиқат. Масалан *هَذِهِ الشَّجَرَةُ* (бу дарахтдан емайман), *لَا أَكُلُ مِنْ هَذَا الْقَدْرِ* (бу қозондан емайман) деб қасам ичгани каби. (Узрли ҳақиқат – ўта катта машаққат билангина амалга ошириш мумкин бўлган ҳақиқатдир)

(б) Ташлаб қўйилган ҳақиқат. Мисол *لَا أَضَعُ قَدَمِي فِي دَارِ فُلَانٍ* (фалончининг ҳовлисига қадамимни қўймайман) деб қасам ичгани каби. (Ташлаб қўйилган ҳақиқат – уни амалга ошириш мумкин бўлган, аммо одамлар уни ташлаб қўйган ҳақиқатдир. Масалан ҳовлига уйнинг ташқарисидан оёқни қўйиш мумкин. Аммо одамлар бу ишни қилмайдилар ва урфга биноан “ҳовлига қадам қўймаслик” дейилганида ҳовлига кирмаслик ирода қилинади).

(в) Доимо истеъмол қилинувчи ҳақиқат. Бунинг эса мисоллари кўпдир.

### **Ушбу ҳақиқаларнинг ҳукмлари:**

(а) Аввалги икки қисмда иттифоқ ила мажозга ўтилади. Шу сабабли *لَا آكُلُ مِنْ هَذِهِ الشَّجَرَةِ* (бу дарахтдан емайман) дейилганида унинг дарахтнинг меваси, дарахт меваги бўлмаса ундан тушган пул ирода қилинади. *لَا آكُلُ مِنْ هَذَا الْقَدْرِ* (бу қозондан емайман) дейилганида қозон ичидаги нарсаси ирода қилинади. *لَا أَضَعُ قَدَمِي فِي دَارِ فُلَانٍ* (фалончининг ҳовлисига қадамимни қўймайман) дейилганида ҳовлига кириш ирода қилинади.

(Агар ушбу навдаги ҳақиқатларни айтиб қасам ичган киши дарахтнинг ўзидан ёки қозоннинг ўзидан бир йўлини қилиб еса, қасами бузилмайди. Шунингдек ҳовлига кирмасдан туриб унга оёғини қўйса ҳам, қасами бузилмайди).

(б) Ҳақиқатнинг охириги қисмида ўша навдаги ҳақиқатнинг мутаориф мажози бўлмаса, хилофсиз ҳолда

ҳақиқат авлорокдир. (Мутаориф мажоз – ҳақиқатдан кўра ғолибан ишлатиладиган ёки уни эшитганда ғолибан фаҳмга келувчи мажоздир).

(в) Агар унинг мутаориф мажози бўлса, Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг наздиларида ҳақиқат авлорокдир. “Умуми мажоз”га биноан амал қилиш эса Абу Юсуф ва Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳлар наздларида авлорокдир.

(Агар “ушбу бугдой донини емайман” деб қасам ичса ёки ”Фурот” дарёсидан сув ичмайман деб қасам ичса, Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг наздларида айна ўша бугдойни кесиб еса ёки ”Фурот” дарёсидан ётиб олиб оғзи ила сув ичса, қасами бузилади. Абу Юсуф ва Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳлар наздларида эса ўша бугдойдан бўлган нонни ейиш ва унинг ўзини ейиш ила ёки ”Фурот”дан идишда ёки қўлда сув олиб ичса ҳам, ётиб олиб оғзи ила сув ичса ҳам қасами бузилади.

“Умуми мажоз” – бошқа мажозий маъно бўлиб ҳақиқат ва мажознинг биргаликда барча афродларини ўз ичига олувчи омм лафздир).

3 – Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздларида мажоз ҳақиқатга лафз борасида ўринбосардир. Абу Юсуф ва Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳлар наздларида эса мажоз ҳақиқатга ҳукм борасида ўринбосардир. Шу сабабдан икковларининг наздларида ҳақиқат ўз нафсида мумкин бўлиб бирор монев сабабидан ман бўлиб қолса, мажозга ўтилади. Аммо, ҳақиқат ўз нафсида мумкин бўлмай қолса, калом лағв (бекорга) айланади. Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздларида ҳақиқат ўз нафсида мумкин бўлмаса ҳам

мажозга ўтилаверади. Бунинг мисоли: эга ўздан ёши катта бўлган қулига هَذَا ابْنِي (бу менинг ўғлим) деса, икковларининг наздларида ҳақиқат маҳол нарса бўлгани учун мажозга ўтилмайди. Аммо, Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ наздларида мажозга ўтилади ва қул озод бўлиб қолади.

4 – Бир лафздан, бир вақтда ҳам ҳақиқий ва ҳам мажозий маъноси ирода қилинмайди, Аллоҳнинг ушбу ояти мисол:

أَوْ لَا مَسْتُمْ النِّسَاءَ

**“...ёки аёлларни “муломаса” қилсангизлар...”**  
(Моида 6). Бу ерда “муломаса”дан (тегиш, ушлаш) мажозий маъноси бўлмиш жимоъ қилиш ирода қилинган ҳақиқий маъноси бўлган қўл билан тегиш соқит бўлади.

5 – Лафзни таъйин қилинган маъносидан бошқа маънода ишлатиш учун ҳақиқий ва мажозий маънолар орасида бирор муносабат бўлиши лозимдир. Масалан шижоатли кишига “шер” дейилгани каби. Шаръий аҳкомларда ҳақиқий ва мажозий маъно орасидаги боғланиш қуйидаги икки кўринишда бўлади:

1. Иллат ва ҳукм орасидаги боғланиш. Бу сотиб олиш ва мулкка эга бўлиш орасидаги боғланиш кабидир. (Иллат шаръий ҳукм у ила белгиланувчи бир васфдир. Унинг вужуди ила ҳукм мавжуд бўлади, унинг йўқ бўлиши ила ҳукмнинг юзага келиши ортга сурилади. Сотиб олиш эга бўлишнинг иллатидир).

2. Сабаб ва ҳукм орасидаги боғлиқлик. Масалан “бўйинга” эгалик қилиш ва “фойдаланиш”га эгалик қилиш



каби. (Сабаб бу - у ила бирор нарсага етишилинувчи нарсадир. Бунда ўша етишилинувчи нарсага сабаб тарафидан таъсир бўлмайди. Чўрида “бўйинга” эгалик қилиш “фойдаланиш”га эгалик қилишга сабабдир).

Буларнинг ҳукми: Аввалги навда иккала тарафдан ҳам мажоз саҳиҳ бўлади. Иккинчи навда бир тарафдан мажоз саҳиҳ бўлади. Яъни ҳукмни ирода қилган ҳолда сабабни зикр қилиш ила мажоз саҳиҳ бўлади.

Мисоллар: Агар **إِنْ مَلَكَتُ عَبْدًا فَهُوَ حُرٌّ** (қулга эга бўлсам у хурдир) деса ва “эга бўлиш”дан сотиб олишни ирода қилса, саҳиҳ бўлади. Агар **إِنْ اشْتَرَيْتُ عَبْدًا فَهُوَ حُرٌّ** (қул сотиб олсам у хурдир) деса ва “сотиб олиш”дан эга бўлишни ирода қилса, саҳиҳ бўлади.

Агар хотинига **حَرَّرْتُكَ** (сени озод қилдим) деса ва шу гапи ила талоқни ният қилса, саҳиҳ бўлади. Агар чўрисига **طَلَّقْتُكَ** (сени талоқ қилдим) деса ва озод қилишни ният қилса, саҳиҳ бўлмайди ва чўри озод бўлмайди. “Озод қилиш” ибораси ила талоқни ният қилиш дуруст бўлади. Зеро, “озод қилиш” “бўйинга” эгалик қилишни зоил бўлишининг иллатидир. Жорияда “бўйинга” эгалик қилишнинг зоил бўлиши, жинсий яқинлик қилиш мулкининг зоил бўлиши учун сабабдир. Бас, озод қилиш никоҳдаги каби фойдаланиш мулкани зоил бўлиши учун соф сабабдир. Аммо, бунинг акси дуруст бўлмайди. Зеро, талоқ қилиш, озод қилиш учун сабаб эмас).

6 – У ила ҳақиқий маъно тарк этилинувчи нарса беш навдир:



1. Урф далолати. Яъни мажозий маъно одамлар орасида мутаориф бўлса, ҳақиқий маъно тарк этилади. Масалан لَا أَشْتَرِي رَأْسًا (калла сотиб олмайман) деб қасам ичган кишининг гапи сигир ва қўйларнинг калласга ҳамл қилинади. Чумчук ва кабутар кабиларнинг калласига эмас.

2. Каломнинг ўзининг далолати. Ким كُلُّ مَمْلُوكٍ لِي فَهُوَ حُرٌّ (ҳар бир мулкимдаги - ҳурдир) деса, мукотаби озод бўлмайди. Зеро, мулкимдаги деган сўзи комил мулкдан иборатдир.

3. Калом сиёқининг далолати. Масалан мусулмон киши ҳарбийга қарата انْزِلْ (уловдан туш) десаю у тушса, ҳарбий омонда бўлади. Агар мусулмон ҳарбийга رَجُلًا (эркак бўлсанг уловдан туш) десаю ҳарбий уловдан тушса, омонда бўлмайди.

4. Мутакаллим томонидан далолат қилиш. Масалан “дарҳоллик қасами” каби. (Дарҳоллик қасами бу - қариналар қасам ичувчининг дарҳолликни, ҳозирги вақтни ирода қилганини ва узоқроқ келажакни ирода қилмаганлигини билдирган қасамдир. Масалан чиқмоқчи бўлиб турган хотинга إِنَّ خَرَجْتَ فَأَنْتَ طَالِقٌ (чиқсанг талоқсан) деганида талоқнинг тушиши дарҳол чиқиши билангина бўлади. Зеро, эрнинг қасди уни ҳозир чиқишдан ман қилиш холос).

5. Калом ўрнининг далолати. Яъни каломнинг ўрни ҳақиқий маънони қабул қилмайди. Масалан ҳур аёлга бай, ҳиба, садақа, мулк қилиб бериш лафзлари ила никоҳланиш каби.

Фоида: Лафз мажознинг навларидан бир навга аниқ таъйин қилинган ҳар бир ўринда ниятга эҳтиёж бўлмайди. Яъни ниятсиз ҳам ҳукм воқеъ бўлади.

Ҳақиқат ва мажозга турли маънолари бор ҳарфлар ҳам боғлиқдир. Ўша ҳарфлардан: атф ҳарфлари: و، ف، ث، بل، لكن، أو، . Жор ҳарфлари: ب، في، على، إلى، (Масалан зарфият учун бўлса, ҳақиқат бўлади. Аммо على маъносида келса, мажоз бўлади).

1. و ҳарфи мутлоқ жам учун. Бунда биргалик ва тартибнинг эътибори йўқ. Масалан جَاءَ زَيْدٌ وَعَمْرُو (Зайд ва Амр келди) мисолидаги каби. (Агар муфрад лафз муфрад лафзга атф қилинса шериклик унга атф қилинган ёки атф қилинганда бўлади. Агар атф жумлалар орасида бўлса, шериклик собитлик ва мавжудликда бўлади. جَاءَ زَيْدٌ وَعَمْرُو (Зайд ва Амр келди) мисолида иккови бирга келган бўлиши ёки бири иккинчисидан аввал келган бўлиши эҳтимоллари бор).

Гоҳида و ҳарфи ҳолат учун мажозан келтирилади. Масалан أَدَّ إِلَيَّ أَلْفًا وَأَنْتَ حُرٌّ (менга юзни тўла ва сен озодсан) деганида юзни тўлаш озод бўлиш учун шарт бўлади. (Бунда ҳолат ва ҳолатнинг эгаси орасида жам қилинади ва و ҳарфи шарт маъносини ифодалайди).

2. ف ўзаро боғланган кетма–кетлик учундир. (Бунда маътуф маътуфун алайҳдан идрок қилиб бўлмайдиган даражада кам миқдорда ортда бўлади). Ким ўз хотинига إِنَّ

دَخَلْتُ هَذِهِ الدَّارَ ، فَهَذِهِ ، فَأَنْتِ طَالِقٌ (мана бу ҳовлига ва дарҳол (фа) бунисига ҳам кирсанг, сен талоқсан) деса биринчи ҳовлига киргач дарров иккинчисига кирса талоқ тушади.

Шартнинг кетидан дарҳол келгани учун ف мажозан жазо сифатида ишлатилади. إِنَّ دَخَلْتَ الدَّارَ فَأَنْتِ طَالِقٌ (Ҳовлига кирсанг бас, (фа) сен талоқсан)да ҳовлига кириши ила талоқ тушади.

Шунингдек у иллатлар кетидан дарҳол келгани учун иллатларнинг ҳукмида ҳам ишлатилади. Бир киши бошқасига بِعْتُ مِنْكَ هَذَا الْعَبْدَ بِكَذَا (сенга мана шу қулни фалончи пулга сотдим) деганида у فَهُوَ حُرٌّ (Бас, (фа) у хурдир) деса, гапининг тақозоси жиҳатидан савдони қабул қилиш бўлади. (Бунда савдо кетидан озод қилиш собит бўлади. Аммо “ва у хурдир” ёки “у хурдир” деса, савдони рад қилиш бўлади).

Иллат давом этадиган ҳолат бўлганида ف гоҳида иллатни баёни учун келади. Бир киши қулига فَأَنْتِ حُرٌّ (юзни ўта бас, (фа) сен хурсан” деса, ўша ҳолда озод бўлади ва юз қулнинг гарданига қарз бўлиб қолади).

ف мажозан و маъносида келади. Масалан لَهُ عَلَى دِرْهَمٍ فَدِرْهَمٌ (бўйнимда унинг учун дирҳам, фа дирҳам) деса, унга икки дирҳам бериш лозим бўлади.

3. ثм ҳарфи ортда қолиш, ажралиш маъносини ифодалаш учун келади (ўзбек тилида “сўнгра” маъносида). Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ наздларида ثмдаги “ортда қолиш” ва “ажралиш” маъноси ҳам лафзда, ҳам ҳукмдадир. (Яъни,

гапиргач сукут сақлаб кейин гапиргани каби. Масалан **أَنْتِ طَالِقٌ** (сен талоқсан, сўнгра (сумма) талоқсан) деса, у худди биринчи “сен талоқсан” деганида тўхтаб кейин қайтадан яна “сен талоқсан” деганидекдир. Бу ортда қолиш, ажралишнинг комил суратидир. Яъни гапиришда ҳам, ҳукмда ҳам ортда қолиш, ажралишдир). Абу Юсуф ва Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳлар наздларида эса фақат ҳукмда бўлиб, лафзда уланишдир. (Зеро, лафз зоҳирда бир-бирига уланган. Узилиш ила эса атф дуруст бўлмайди. Бас, шунинг учун ортда қолиш, ажралиш ҳукмда бўлади холос).

Ихтилофнинг самараси: жинсий яқинлик қилмаган аёлига **أَنْتِ طَالِقٌ ثُمَّ طَالِقٌ ثُمَّ طَالِقٌ إِنْ دَخَلْتَ الدَّارَ** (сен талоқсан, сўнгра (сумма) талоқсан, сўнгра (сумма) талоқсан агар ҳовлига кирсанг) деса, Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздларида аввалги айтган талоғи тушади ва кейин айтган гаплари бекор бўлади. Агар “агар ҳовлига кирсанг” деган шартини аввал айтган бўлса, аввалги айтган талоғи ила талоқ тушиши ҳовлига киришга боғланиб қолади. Иккинчиси тушади, учинчиси эса бекор бўлади. (Зеро, гаплар орасидаги ортда қолиш ва ажралиш гапиришда рўй бергач худди “сен талоқсан” деб сукут сақлаб турганида ўша талоқ тушгандек бўлади. Бас, ўша аёл у тарафидан жинсий яқинлик қилмаган бўлганлиги учун кейинги талоқ тушадиган жой қолмади). Абу Юсуф ва Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳлар наздларида уччала талоқ ҳовлига киришга боғланиб қолади ва шарт ҳосил бўлса, кетма-кет тушади. (Зеро, икковларининг наздларида гапиришда уланиш таҳқиқ топган. Иборада узилиш йўқ. Бас, шартни аввал айтса ҳам, кейин айтса ҳам

барчаси шартга боғланиб қолади. Аммо шарт вужудга келганида тартиб ила барчаси тушади. Шунинг учун жинсий яқинлик қилинган бўлса учта, бўлмаса, битта боин тушади).

ثمَّ غَوَّيْتُ مَجُزَّانَ وَ مَآئِنَ مَآئِنَ كَلَامِهِ. Аллоҳнинг ушбу қавли мисол:

ثُمَّ كَانَ مِنَ الَّذِينَ آمَنُوا

“...сўнгра иймон келтирганлардан бўлди” (Балад 17). Ушбу оятнинг маъноси “ва иймон келтирганлардан бўлди”дир.

4. بل адашишни тўғирлаб қўйиш учун ишлатилади. Бунда аввалгининг ўрнига بلдан кейин келган нарса қўйилади. Мисол: جَاءَنِي زَيْدٌ بَلْ عَمْرٌو (Хузуримга Зайд, йўқ балки Амр келди). (Бу ерда мақсад Амрнинг келганлигини собит қилиш. Зайднинг келганини эмас. У келган бўлиши ёки келмаган бўлиши мумкин).

Фоида: адашишни тўғирлаш фақат хабарий жумлалардагина бўлади, иншоий жумлаларда эмас. Шу сабабдан بَلْ تَتَيْنِ ، أَنْتَ طَالِقٌ وَاحِدَةً (сен талоқсан, балки (бал) икки талоқсан) деса уч талоқ тушади. Зеро у аввалги талоғини ботил қила олмас эди. Аммо بَلْ أَلْفَيْنِ ، لَهُ عَلَى أَلْفٍ (мени ундан минг қарзим бор, балки (бал) икки минг) деса унга икки мингни ўташ лозим бўлади. (Зеро бу мисолдаги гап хабарийдир).

5. **لكن** нафйдан сўнг тўғирлаб қўйиш учун ишлатилади. Масалан **مَا جَاءَنِي زَيْدٌ لَكِنْ عَمْرُو** (Ҳузуримга Зайд келмади, лекин Амр келди) каби. (“Зайд келмади” дейилганда, иккови орасида мулозамат ва муносабат бўлгани учун Амр ҳам келмаганлиги ваҳмга келади. Сўнгра “лекин Амр келди” гапи ила маъно тўғирлаб қўйилди). Калом ўзаро боғланиб келганида у ила атф қилиш саҳиҳ бўлади. (Каломнинг ўзаро боғланиши икки иш ила бўлади: 1. Калом аввалги калом ила узилган эмас боғланган бўлиши. Агар сукут қилса сўнгра **لكن** ила гапирса, калом ўзаро боғланган бўлмайди. 2. Феълни нафй қилиш ва собит қилиш айнаи бир нарса ила бўлмаслиги. Аксинча нафй бир нарсага, собит қилиш бошқа нарсага оид бўлиши зарур. Масалан бир киши “менинг фалончидан минг диноҳ қарзим бор” деганида нариги киши “йўқ, лекин тортиб олгани жиҳатидан у қайтариши керак” деса, биринчи одамга ўша молни ўташ лозим бўлади. Зеро, бу ердаги нафй қилиш молни нафй қилиш эмас, сабабни нафй қилишдир.

Ушбу икки шарт топилмаганида **لكن** ила бошланган калом мубтадо бўлади, маътуф бўлмайди).

Агар бундай бўлмаса **لكن** истинофия бўлади. Масалан бир жория ҳожасининг изнисиз юз дирҳам эвазига никоҳланганида унинг ҳожаси **لَا أُجِزُ النِّكَاحَ بِمِائَةِ دِرْهَمٍ ، لَكِنْ أُجِزُ بِمِائَةِ** (Юз дирҳам эвазига никоҳга рухсат бермайман. Лекин бир юз эллик дирҳам эвазига рухсат бераман) деса, никоҳ ақди ботил бўлади. Зеро, бу ердаги калом ўзаро боғлиқ эмас. (Мисолимизда ҳожа “юз дирҳам эвазига

никоҳга рухсат бермайман” дейиши ила никоҳни ўз аслидан чиқариб юборди ва никоҳнинг саҳиҳлиги қолмади. Сўнгра “Лекин бир юз эллик дирҳам эвазига рухсат бераман” дейиши айна нафй қилинган ишни собит қилишдир. Зеро, маҳр никоҳга тобеъ бўлгани учун унинг эътибори йўқдир. Бас, унинг каломининг аввалгиси кейингисига қарама-қарши бўлиб қолмоқда. Бу ҳолатда унинг иккинчи каломи никоҳни бошқа маҳр ила бошлашга ҳамл қилинади ва у айтган **لكن** истинофия бўлади).

6. **أَوْ** икки зикр қилинганлардан бири учундир. Масалан **هَذَا خُرٌّ أَوْ هَذَا** (бу ҳурдир ёки (ав) бу ҳурдир) дегани “икковидан бири ҳур” дегани бўлиб шу гапни айтувчи хожа баён қилиб беришга моликдир.

**أَوْ** калимаси нафйда зикр қилинганларнинг ҳар бирининг нафйсини вожиб қилади. Масалан **لَا أَكَلِمُ هَذَا أَوْ هَذَا** (бунга ёки (ав) бунга гапирмайман) деб қасам ичгач икковидан бирига гапирса, қасамини бузган бўлади. Собит қилишда ихтиёр ила икковидан бирини ўз ичига олади. Масалан **خُذْ هَذَا أَوْ هَذَا** “буни ёки (ав) уни ол” дегани каби.

Ихтиёрли бўлиш заруратан тақозо қилган нарса мубоҳликнинг умумийлигидир. Масалан қасам каффорати ҳақидаги оятда бундай дейилган:

فَكَفَّارَتُهُ إِطْعَامُ عَشْرَةِ مَسَاكِينَ مِنْ أَوْسَطِ مَا تُطْعَمُونَ أَهْلِيكُمْ أَوْ كِسْوَتُهُمْ أَوْ تَحْرِيرُ رَقَبَةٍ



“Бас, унинг каффорати ўз аҳлингизни ўртача таомлантириш миқдорида ўнта мискинга таом ёки кийим бериш ёхуд бир қул озод қилишдир” (Моида 89).

أو гоҳида мажозан **حتى** маъносида ҳам келади. Масалан لَا أَذْخُلُ هَذِهِ الدَّارَ أَوْ أَذْخُلُ هَذِهِ الدَّارَ (ушбу ҳовлига кирмайман токи (ав) бу ҳовлига кирмагунимча) деганида **حتى** маъносида бўлади. Шунда аввалги ҳовлига кирса, қасамини бузган бўлади, аммо биринчи бўлиб иккинчи ҳовлига кирса, қасамида турган бўлади.

7. **حتى** аслида ғоят, бориб етар жой учун. Ушбу маъно **حتى**дан аввал келган сўз чўзилиш, давом этишни қабул қилувчи бўлиб, **حتى**дан кейин келган сўз ғоят, бориб етар жой учун салоҳиятли бўлганида рўёбга чиқади. Масалан **عَبْدِي حُرٌّ إِنْ لَمْ أَضْرِبْكَ حَتَّى يَشْفَعَ فَلَانَ** (Хатто фалончи шафоатчилик қилмагунича сени урмасам, қулим озоддир) дегач умуман уришни тарк этса ёки фалончининг шафоатидан олдин уришни қўйса, қасамини бузган бўлади. (Зеро, такрор-такрор қилиб уриш давом этишни қабул қилади, шафоатчилик қилиш эса, уришга ғоят бўлишга ярайди).

Агар **حتى** ғоятни ифодалаш учун тўғи келмаса, мажозан **كُنِي** маъносида келади. Бу ҳолат **حتى**дан аввал келган сўз чўзилиш, давом этишни қабул қилувчи бўлмаганида ва **حتى**дан кейин келган сўз ғоят, бориб етар жой учун салоҳиятли бўлмаганида ва ундан кейин келганни жазога ҳамл қилиш мумкин бўлганида рўёбга чиқади. Масалан **عَبْدِي**



عَبْدٌ حُرٌّ إِنْ لَمْ آتِكَ حَتَّى تُغَدِّيَنِي (Хатто таомлантиришинг (учун) деб олдинга бормасам қулим ҳурдир) дегач унинг олдига борсаю у буни таомлантирмаса, қасами бузилмайди. (Зеро, таомлантириш олдига бориш учун ғоят бўлишга ярамайди. Таомлантириш олдига боришга ундовчи нарса холос ва жазо сифатида келишга ярайди. Бас, бу ерда у жазога ҳам қилинади. Қулнинг озод бўлиш, бўлмаслиги унинг олдига боришига боғлиқ бўлиб қолади).

Агар бу маъно ҳам мумкин бўлмай қолса, حَتَّى сўзи мажозан ف маъносидаги соф атфга ҳамл қилинади ва ғоят маъноси ботил бўлади. Масалан عَبْدٌ حُرٌّ إِنْ لَمْ آتِكَ حَتَّى أَتَغْدَى عِنْدَكَ الْيَوْمَ (Олдинга бормасам хатто (ва) бугун ҳузурингда таомланмасам қулим озоддир) дегач олдига борсаю дарров ҳузурда ўша куни таомланмаса, қасами бузилган бўлади. (Зеро, у ушбу феълларнинг барчасини бир зотга боғлаб қўйди ва унинг феъли бошқа феъли учун жазо бўлиш учун ярамайди. Бас, бундай ҳолатда حَتَّى соф атф ҳарфига ҳамл қилинади. Шунда маътуф ва маътуф алайҳи иккови қасамининг устидан чиқиши учун шарт бўлиб қолади).

8. سِرْتُ مِنْ إِلَى ғоятнинг интҳоси учун ишлатилади, масалан سِرْتُ مِنْ إِلَى (Дийбанддан ила (...гача) Дехлигача юрдим) каби.

Агар ғоят ўз нафси ила қоим бўлувчи бўлса, إِلَى билан назарда тутилган нарса остига кирмайди, масалан اشْتَرَيْتُ الْأَرْضَ مِنْ هَذِهِ الْحَائِطِ إِلَى هَذِهِ الْحَائِطِ (бу ерни мана бу девордан унисигача сотиб олдим) деса, девор кирмайди.

Ғоят ўз нафси ила қоим бўлмайдиган бўлганида икки ҳолат бор: агар каломнинг бошланиши ғоятни ўз ичига олган бўлса, ғоят киради. Масалан қўлнинг икки тирсаги ва оёқнинг икки ошиғи каби. (Яъни қуйидаги оятда:

فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ

**“...қўлларингизни чиганоклари ила ювинглар. Бошларингизга масҳ тортинглар. Ва оёқларингизни тўпиқлари ила ювинглар”** (Моида 6) ғоят (тирсак ва ошиқлар) киради).

Агар ғоятни ўз ичига олмаган бўлса ёки бу масалада шак бўлса, ғоят кирмайди. Масалан рўзада кеча кирмагани каби. (Яъни қуйидаги оятда:

ثُمَّ أَتَمُّوا الصِّيَامَ إِلَى اللَّيْلِ

**“Сўнгра рўзани кечасигача батамом қилинг”** (Бақара 187) ғоят (кеча) кирмайди).

9. **عَلَى** лозим қилиш, бўйнига юклаш учун ишлатилади. Масалан **لِفُلَانٍ عَلَى أَلْفٍ** (Фалончи учун менинг бўйнимда минг бор) деса, унинг бўйнига шу миқдор тушади.

Агар **عَلَى** фақатгина ўзаро эваз қилинувчиларга кирса, мажозан **ب** маъносида бўлади, масалан **بِعْتُ هَذَا عَلَى أَلْفٍ** (буни минг эвазига сотиб олдим) каби.

Гоҳида **عَلَى** шарт учун келади, ушбу оят мисол:

يُبَايِعَنَّكَ عَلَى أَنْ لَا يُشْرِكَنَّ بِاللَّهِ شَيْئًا



молидир. Нарх - савдодаги шартдир. Яъни савдо ҳосил бўлиши учун василадир. Бундаги асл: нарх савдо молига ёпиштирилган бўлишлигидир). Масалан **اِشْتَرَيْتُ مِنْكَ هَذَا الْعَبْدَ بِكَرٍّ** (сендан шу қулни бир курр (ҳажм ўлчови 1980 литр) яхши бугдой эвазига сотиб олдим) деса, ўша бир курр нарх бўлади ва ўзаро алмаштириш дуруст бўлади.

Мана шулар бдаги асллар. Қолган маънолар бда мажоз бўлади. Масалан қисмлатиш, зиёдалик ва шу кабилар.

**Далилларни изоҳлашга таъаллуқли бўлганлар:**

**Қуйидаги ҳужжатларнинг баёнга эҳтимоли бор:**

(Хосс гоҳида яна хоссланади, омм ҳам шундай. Муштарак ва мужмал баёнга эҳтиёж сезади. Ушбу баҳсининг аввалги учта тақсимотларнинг барчаси ила боғлиқлиги бор).

“Баён” луғатда зоҳир қилиш маъносида келади. Аллоҳ таоло айтган:

وَعَلَّمَ الْبَيَانَ

“... унга баённи ўргатди” (Раҳмон 2). Истилоҳда мухотабга муродни зоҳир қилишдир.

Баён беш навъдир:

1. Тақрир (таъкидлаш, қарор топтириш) баёни: бу каломни мажоз ёки хосслаш эҳтимолини кесиб ташлайдиган қилиб таъкидлашдир. Ушбу оят мисол:

وَلَا طَائِرٍ يَطِيرُ بِجَنَاحَيْهِ

“**икки қаноти ила учадиган қуш ҳам...**” (Анъом 38) (Қуш ҳақиқатда икки қаноти ила учади. Аммо бу ерда “фалончи ўз ҳиммати ила учади” дейилгани каби мажоз тушуниб қолинмаслиги учун “икки қаноти ила” дейилган). Мана бу оят ҳам мисол:

فَسَجَدَ الْمَلَائِكَةُ كُلُّهُمْ أَجْمَعُونَ

“**Бас фаришталарнинг барчалари биргаликда сажда қилдилар**” (Ҳижр 30) (“Фаришталар сажда қилдилар” дейилганида улардан баъзилари қолиб кетган бўлиши эҳтимоли бўлар эди. “Барчалари биргаликда сажда қилдилар” дейилгач бундай эҳтимол йўққа чиқди). Яна мисол: لِفُلَانٍ عَلَيَّ قَفِيرٌ حِنْطَةٍ بِقَفِيرِ الْبَلَدِ (Фалончидан шу шаҳарнинг кафизда (ҳажм ўлчови 33 литр) бир кафиз буғдой қарзим бор) дегани.

Бу каби баённинг ҳукми: жумлада бир-бирига боғлиқ бўлсин, бўлмасин дуруст бўлиши.

2. Тафсийр баёни: бунда лафздан мурод мужмал ёки муштарак бўлгани учун очиб берилмаган бўлганида мутакаллим ўз баёни ила уни тафсир қилиб беради, мисол:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ

“**Ва намозни қоим қилинглр ва закотни адо қилинглр**” (Бақара 43). Аввалида шу каби оятлар нозил бўлганида намоз ва закот лафзлари мужмал эди. Бас, уларнинг баёни дарҳол ҳадисларда келди. Яна мисол:

وَالْمُطَلَّاتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ

“Талоқ қилинганлар ўзларини уч қуруъ кутадилар” (Бақара 228). Ушбу оятдаги “қуруъ” лафзи ҳайз ва ҳайздан пок бўлиш маънолари орасида муштаракдир. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни қуйидаги сўзлари ила баён қилиб бердилар:

طَلَاقُ الْأَمَةِ تَطْلِيقَتَانِ وَقُرْءَاهَا حَيْضَتَانِ

“Жориянинг талоқи иикитадир, унинг қуръи икки ҳайздир”.

Бу каби баённинг ҳукми: жумлада бир-бирига боғлиқ бўлсин, бўлмасин дуруст бўлиши.

3. Тағйир (ўзгартириш) баёни: бунда каломнинг маъноси мутакаллимнинг баёни сабабидан ўзгаради. Ушбу ўзгариш бирор шартга боғлаб қўйиш ва истисно қилиш ила бўлади. Масалан **أَنْتِ طَالِقٌ إِنْ دَخَلْتَ الدَّارَ** (Сен талоқсан агар ҳовлига кирсанг) дегани ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг:

لَا تَبِغُوا الذَّهَبَ بِالذَّهَبِ إِلَّا سَوَاءً بِسَوَاءٍ

“тиллани тиллага сотманглар, илло тенгма тенг бўлсин” деганлари каби. (Бухорий ривояти).

Бу каби баённинг ҳукми: жумлада бир-бирига боғлиқ бўлсин, бўлмасин дуруст бўлиши.

Фоида: Шартга боғлиқ қилиб қўйилган нарса шарт вужудга келганида сабаб бўлади. Шарт вужудга келишидан аввал сабаб деб ҳисобланмайди. Шу сабабдан бегона аёлга

إِنْ تَزَوَّجْتُكَ فَإِنَّتِ طَالِقٌ (сенга уйлансам сен талоқсан) деса, талоқни ўша аёлга уйланишига боғлаб қўйиши дуруст бўлади ва унга уйланса талоқ тушади.

Фоида: Истисно қилиш истисно қилингач қолганини айтиш бўлади. Ушбу оят мисол:

فَلَيْتَ فِيهِمْ أَلْفَ سَنَةٍ إِلَّا خَمْسِينَ عَامًا

“... улар билан минг йил яшади илло эллик йил...” (Анкабут 14). Яъни, Нух алайҳиссалом ўз қавмлари ичида тўққиз юз эллик йил яшаганлар.

4. Зарурат баёни: бу зарурат юзасидан ҳосил бўлувчи баён бўлиб уч важҳда келади:

(а) Сўзланганнинг ҳукмида бўлувчи баён, ушбу оят мисол:

وَوَرَّثَهُ أَبَوَاهُ فَلِأُمِّهِ الثُّلُثُ

“...унинг ота ва онаси унга меросхўр бўладилар. Бас, онасига учдан бир...” (Нисо 11). (Бу ерда “унинг ота ва онаси унга меросхўр бўладилар” деб гапни бошлаш мерос олишдаги шерикликни аниқ эканлигини кўрсатиб турибди. Сўнгра она учдан бир олиши айтилгач шу гап қолган барча мерос отага бўлишини баён қилади. Бу баён жим туришнинг ўзи ила ҳосил бўлгани йўқ, балки гапнинг бошидаги далолат ила ҳосил бўлди. Бас, отанинг улуши ҳудди сўзлангандек бўлди).

(б) Ҳолнинг баёни: бу мутакаллимнинг ҳолининг далолати ила собит бўлувчи баёндир. Масалан шарият эгаси

бир ишни кўргач ундан қайтармаса, шарият эгасининг сукути у тарафидан бу иш машруъ эканлиги ҳақидаги баён бўлади.

Алдашни одамлардан даф қилиш зарурати собит қилган нарса ҳам шундай баёндандир. Масалан ҳожа ўз қулини нарсаларни сотаётган ва сотиб олаётган ҳолатида кўриши ва индамаслиги ўша қулга тижорат қилишга изн беришга айланади. Зеро, баёнга ҳожат бор ерда сукут сақлаш баён қилиш манзиласидадир.

(в) Атф баёни: бунда мужмал бир тўп нарсага ҳажм ёки оғирлик ўлчови атф қилинади. Шунда ўша атф мужмал бир тўп нарсага баён бўлади. Масалан لَهُ عَلَيَّ مِائَةٌ وَدِرْهَمٌ (мени ундан юз ва бир дирҳам қарзим бор) деса, атф баён қилиш манзиласида бўлади. Яъни гапининг аввалидаги юзнинг жинси унга атф қилинган дирҳамнинг жинсидан эканлиги аён бўлади.

5. Табдийл (алмаштириш) баёни: бу насхдир. Насх аввалги ҳукмни кейин келувчи шаръий насс ила кўтариб юборишдир. Ушбу ҳадис мисол:

كُنْتُ نَهَيْتُكُمْ عَنْ زِيَارَةِ الْقُبُورِ ، فَزُورُوهَا

“Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим, бас, энди зиёрат қилинглар”. (Насайй ривояти).

Бу баённинг ҳукми: ушбу баён фақат шарият соҳиби тарафидан дуруст бўлади. Ундан бошқа тарафидан мутлақо бўлмайдиган (агар у саҳобий бўлса ҳам).



## **ИККИНЧИ БАҲС: РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ СУННАТЛАРИ ҲАҚИДА**

Суннат луғатда йўл дегани. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари у кишига сўз, феъл ва тақрир қилиш ила нисбат берилган нарсалардир. Бу ердаги суннатдан мурод саҳобаларнинг ҳам сўзлари ва феълларини ўз ичига олаган суннатдир.

Аллоҳнинг Китобининг баҳсида зикри ўтган йигирмата қисмлар суннатда ҳам собитдир. Бу боб эса суннатга хос бўлган нарсаларнинг баёни учун келган.

Билгинки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг берган хабарлари илм бўлиш ва унга амал қилиш борасида Китоб манзиласидадир. Ким у кишига итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлади. Хабар бобидаги шубҳа эса ўша хабарнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлиши ва у кишига боғланишидадир.

Суннат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бизгача етиб келиши эътиборидан уч қисмга бўлинади:

1. Мутавотир: бу хабарни ривоят қилганларнинг адади санаб бўлмас даражада кўп бўлади. Ва ўша ровийларнинг ёлғонга келишиб олишларини тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай нақлга мисол: Қуръон ва намознинг беш вақт эканлиги ҳақидаги хабарлар.

Мутавотир хабарнинг ҳукми: Кўз билан кўриб турилганидек яқиний ва зарурий илмни вожиб қилади. Ва

бундай (Исломиё) хабарни рад этиш куфр бўлади. (Бу ердаги “зарурий илм” дегани - ўйлаб, назар солиб ўтирмасдан ўз-ўзидан билинган ҳақиқат деганидир).

2. Машҳур: бу хабар аслида оҳод хабар бўлиб сўнгра биринчи давр, яъни саҳобалар даврида машҳур бўлган ва шундан кейин уни ёлғонга келишиб олишлари тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги кўпчилик ривоят қилган, уммат ўша хабарни қабул қилиб олган хабардир. Масалан икки маҳсига масҳ тортиш ҳақидаги ҳадис каби. (Ушбу хабарнинг саҳобалар, тобеъийнлар ва табаъ тобеъийнлар даврида ёлғонга келишиб олишлари тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги кўпчилик тарафидан ривоят қилиниши машҳур бўлиш шартидир. Ушбу даврлардан кейинги ҳолатнинг эътибори йўқ).

Машҳур хабарнинг ҳукми: Кўнгил таскин топадиган даражадаги илмни вожиб қилади. Ва бундай (Исломиё) хабарни рад этиш бидъат бўлади. (Бидъат - ҳар бир янги чиққан нарсани унинг мисли шариятда бўлмайди. Яъни, Аллоҳдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ва саҳобалар разияллоҳу анҳумлардан келган бўлмайди. Ҳар бир бидъат залолатдир).

3. Хабарни воҳид: бу бир, икки ва ундан кўп кишилар тарафидан ривоят қилинган хабар бўлиб токи машҳур хабарнинг ҳаддигача етиб келмас экан ровийлари қанча бўлмасин фарқи йўқдир. Аксар ҳадислар хабарни воҳиддир.

Хабарни воҳиднинг ҳукми: Илми яқийнни вожиб қилмайди, аммо унга (яъни хабарни воҳидга) амал қилиш вожиб бўлади.

Хабар ровийдаги бир неча шартлар ила хужжат даражасида бўлади. Ушбу шартлар тўрттадир:

1. Ақл. Ақл - сезувчи аъзолар орқали билиб бўлмайдиган нарсаларни идрок қилувчи нурдир. Бу ердаги ақлдан мурод комил ақлдир. Комил ақл балоғатга етган кишининг ақлидир.

2. Забт. Забт – каломни яхшилаб эшитиш, ундан ирода қилинган маънони фаҳмлаш, ёдлаш, ўзида сақлаб қолиш ва қайтариб туриш ила уни ушлаб боришдир.

3. Адолат. Адолат – динда истиқоматда бўлишдир. Бунда истиқоматнинг комили эътибор қилинади. Шу сабабдан ровий гуноҳи кабира қилса ёки гуноҳи сағирада бардавом бўлса, адолати кетади.

4. Ислом. Ислом – Аллоҳни тасдиқлаш ва иқрор бўлишдир.

Гўдак, ғафлати кучли ақли норасо киши, фосиқ ва кофирнинг хабари қабул қилинмайди. Аёл, қул ва кўр кабиларда барча шартлар топилиши мумкин бўлгани учун уларнинг хабарлари қабул қилинади.

### **Сўнгра ровий аслида икки қисмдир:**

1. Илм ва ижтиҳод соҳиби эканликлари ила танилган саҳобалар. Масалан тўрт рошид халифалар ва Абдуллоҳлар, яъни ибн Масъуд, ибн Умар, ибн Аббос, ибн Амр ва ибн Зубайрлар.

Булар ривоятининг ҳукми: уларнинг ривоятига амал қилиш қиёсга амал қилишдан авлорокдир.

2. Ҳифз ва адолат жиҳатидан танилган саҳобалар. Масалан Абу Ҳурайра, Анас ибн Молик кабилар.

Булар ривоятининг ҳукми: уларнинг ҳадислари қиёсга мувофиқ келса унга амал қилинади. Агар қиёсга хилоф бўлса, уларнинг ривоятлари фақат зарурат бўлгандагина тарк этилади. (Ушбу зарурат бу – агар уларнинг қиёсга хилоф бўлган ривоятларига амал қилинса, раъйнинг эшиги ҳар тарафдан берк бўлиб қолади. Ровий эса ўта фақиҳ бўлмайди. Зеро, саҳобалар орасида ҳадис маъносини ривоят қилиш кўп учраган. Бўлиши мумкинки ровий ҳадисни маъносини ривоят қиламан деб ўз фаҳми ила ривоят қилган, хатога тушиб қолган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муродларини тўлиқ идрок қила олмаган. Мана шу заруратдан шундай хабарга қиёсга хилоф келганида амал қилинмайди).

## УЧИНЧИ БАҲС ИЖМОЪ ҲАҚИДА

Ижмоъ луғатда иттифоқ деганидир. Шариятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматларидан бўлган мужтаҳидларнинг бир асрда, бир масала хусусида қилган иттифоқларидир.

Ижмоънинг ҳукми: Қуйида келувчи ва бошқа ўта кучли далилларга биноан ижмоъ ҳадис каби ҳужжатдир. Далиллар: ушбу оят:

وَمَنْ يُشَاقِقِ الرَّسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ الْهُدَىٰ وَيَتَّبِعْ غَيْرَ سَبِيلِ الْمُؤْمِنِينَ نُوَلِّهِ مَا تَوَلَّىٰ وَنُصْلِهِ  
جَهَنَّمَ ۖ وَسَاءَتْ مَصِيرًا

“Ким ўзига ҳидоят равшан бўлгандан кейин Расулга хилоф қилса ва мўминларнинг йўлидан бошқа йўлга юрса, кетган томонга қўйиб қўямиз ва жаҳаннамга киритамиз. У қандоқ ҳам ёмон жой!” (Нисо 115) (Бу оятда мўминларга хилоф қилишни Расулга хилоф қилиш кабидек кўрилмоқда. Бас мўминларнинг ижмоъси Аллоҳ Расулининг хабари каби бўлади). Ушбу ҳадис:

لَا يَجْمَعُ اللَّهُ هَذِهِ الْأُمَّةَ عَلَى ضَلَالَةٍ أَبَدًا

“Аллоҳ ушбу умматни залолат устида абадул-абад жам қилмайди” (Ҳоким ривояти).

(Яъни, уммат бирор нарсанинг устига жам бўлдимиз, бас у нарса ҳақ бўлади). Ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтганлар: Мусулмонлар яхши деб билган нарса, Аллоҳнинг ҳузурида яхшидир. Мусулмонлар ёмон деб билган нарса, Аллоҳнинг ҳузурида ёмондир”.

Ушбу умматнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг ҳузурига кетганларидан кейинги фаръий диний масалаларда қилган ижмоъси қатъий ҳужжатдир ва амални вожиб қилувчидир. Ижмоъ масаласида эътиборли бўлувчи қараш ижтиҳод ва раъй эгалларининг ижмоъсидир. Шу сабабдан авомларнинг, мутакаллимларнинг ва муҳаддисларнинг ижмоъсининг эътибори йўқ. Зеро, уларда дин аслларига нисбатан ижтиҳод аҳлларида бўлган басират йўқдир.

## **Ижмоъ тўрт қисмдир:**

1. Содир бўлган ҳодисага нисбатан саҳобалар разияллоҳу анҳумнинг бир овоздан, бирорталари четда қолмаган ҳолда ижмоъ қилишлар. Бунга мисол: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг халифа бўлишларига қилинган ижмоъ.

Бу турдаги ижмоънинг ҳукми: Бундай ижмоъ қатъий бўлиб Аллоҳнинг Китобида келган оят кабидир. Бундай ижмоъни рад қилган кофир бўлади.

2. Саҳобаларнинг баъзилари бир овоздан, баъзилари сукут сақлаб қилган ижмоълари. Бундай ижмоъни “сукутий ижмоъ” дейилади. Бу турдаги ижмоъга мисол: Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида закотни бермай қўйганларга қарши жанг қилишга қилинган ижмоъ.

Бу турдаги ижмоънинг ҳукми: Бундай ижмоъ ҳам қатъийдир. Аммо уни рад қилган киши кофир ҳисобланмайди.

3. Аввал ўтганлардан кейингиларнинг аввал ўтганларнинг қавли бўлмаган масалада ижмоъ қилишлари.

Бу турдаги ижмоънинг ҳукми: Бундай ижмоъ машҳур хабар манзиласида бўлиб яқийнни эмас, балки кўнгил таскин топадиган даражадаги илмни вожиб қилади.

4. Аввал ўтганлардан бирортасининг қавлига кейингиларнинг ижмоъ қилишлари.

Бу турдаги ижмоънинг ҳукми: Бундай ижмоъ хабари воҳид манзиласида бўлиб яқиний илмни эмас, балки амални

вожиб қилади. Бу турдаги ижмоъ хабари воҳид каби қиёсдан устун кўрилади.

## ТҶРТИНЧИ БАҲС: ҚИЁС ҲАҚИДА

Қиёс луғатда ўлчаш маъносида келади. **قِسِ التَّعَلِّ بِالتَّعَلِّ** (Шиппакни шиппакка қиёсла) дейилганда “икковини ўзаро ўлчаб кўр” деганидир.

Истилоҳда: фаръни аслга ҳукм ва иллат борасида ўзаро ўлчашдир.

Қиёснинг ҳукми: у ҳам нақлан, ҳам ақлан ҳужжатдир. Қиёс ҳукмни очиб берувчидир, уни собит қилувчи, келтирувчи эмас.

### Қиёснинг саҳиҳ бўлиши учун бешта шарт бор:

1. Насс бор жойда қиёс бўлмайди. Мисол: “Намозда турган ҳолида иффатли, ҳаёли аёлни зинода айблаш таҳоратни кетказмайди (аммо, намозни бузади)” дейилгач, “бўлмаса, намозда туриб қаҳқаҳа отиш ила нима учун таҳорат бузилади? Ахир қаҳқаҳадан кўра иффатли, ҳаёли аёлни зинода айбланининг гуноҳи каттароқку?” дейилганида, биз: “Бу қиёс - насс бор жойда қиёс қилишдир. Зеро, намоз ичидаги қаҳқаҳа таҳоратни кетказиши ҳақида кўзи яхши кўрмайдиган аъробийнинг қоқилгани ҳақидаги ҳадис ворид бўлган” деймиз. (Имом Табароний Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга намоз ўқиб

бераётганларида бир аъробий кириб масжиддаги чуқурчага қоқилди. Унинг кўзида зарари бор эди. Қавнинг кўпчилиги намоздалик ҳолида кулди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кулганларни таҳоратни қайта қилишга ва намозни қайта ўқишга амр қилдилар”).

2. У ила нассининг ҳукмларидан бўлган бирор ҳукм ўзгармайди. Масалан “таяммумда ният шарт бўлгани каби таҳоратда ҳам ният шарт” дейилса, биз: “Бу гап таҳорат оятидаги мутлоқликни қайдлаш бўлгани учун оятнинг ҳукмини ўзгартиришни шартли равишда келтириб чиқаради” деймиз.

3. Аслдаги ҳукмнинг маъносига ақл етмайдиган бўлмаслиги керак. Масалан ҳурмо (набийз) шарбатига таҳорат олиш жоизлигига бошқа (набийзлар) шарбатлар ила таҳорат олиш қиёс қилинмайди. Зеро, аслдаги ҳукмнинг маъносига ақл ётмайди. Бас, унинг фаръга ўтиши маҳол бўлиб қолди.

4. Қиёс шаръий ҳукмни собит қилиш учун бўлади, луғавий маънони собит қилиш учун эмас. Масалан “қайнатилган узум суви - хамрдир” дейиш луғавий жиҳатдан қиёс қилишдир, шаръий жиҳатдан эмас.

5. Фарънинг ҳукми насда келмаган бўлиши керак. Масалан “қасам ва зихор каффоратидаги қул озод қилишда мўминни хато қилиб ўлдириб қўйганидаги каби мўмин қул озод қилиш шарт бўлади” дейилса, биз: “бу насда келган фарълар ҳақидаги қиёс бўлиб, бундай қиёс жоиз эмасдир” деймиз.



Қиёснинг рукни - иллатдир. Иллат – шаръий ҳукм у ила танилтириладиган бир васфдир. Ҳукм унинг мавжудлиги ила мавжуд бўлади ва йўқ бўлиши ила йўқ бўлади. Масалан хамрдаги маст қилиш васфи – иллатдир.

Иллат - Китоб, суннат, ижмоъ ва ижтиҳод орқали билинади.

Китоб ила билинилган иллатнинг мисоли: **кўп кирди-чикди қилиш**. Мана шу нарса киришда изн сўраш ҳаражининг соқит бўлиши учун иллат қилинган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لِيَسْتَأْذِنَكُمْ الَّذِينَ مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ وَالَّذِينَ لَمْ يَبْلُغُوا الْحُلُمَ مِنْكُمْ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ مِنْ قَبْلِ صَلَاةِ الْفَجْرِ وَحِينَ تَضَعُونَ ثِيَابَكُمْ مِنَ الظَّهْرِ وَمِنْ بَعْدِ صَلَاةِ الْعِشَاءِ ثَلَاثُ عَوْرَاتٍ لَكُمْ لَيْسَ عَلَيْكُمْ وَلَا عَلَيْهِمْ جُنَاحٌ بَعْدَهُنَّ طَوَافُونَ عَلَيْكُمْ بَعْضُكُمْ عَلَى بَعْضٍ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ الْآيَاتِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ

“Эй иймон келтирганлар! Қўлингизда мулк бўлганлар ва ўзингиздан балоғатга етмаганлар сиздан уч вақтда изн сўрасинлар: бомдод намозидан олдин, пешинда кийимларингизни ечадиган пайтингизда ва хуфтон намозидан сўнг. (*Ушбу*) уч вақт, сиз учун авратдир. Улардан кейин сизга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқ. Улар сизнинг атрофингизда, бир-бирингизга айланиб турувчидирсиз. Аллоҳ сизларга оятларни ана шундай баён қилур. Аллоҳ ўта билгувчи, ўта ҳикматли зотдир” (Нур 58). Яна мисол: енгиллаштириш. Бу нарса касал ва мусофирнинг рўза тутмаслиги учун иллат қилинган:

شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ فَمَن شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ وَمَن كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ وَلِتُكْمِلُوا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَاكُم وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ

“Сиздан ким у ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғини бошқа кунлардан тутади. Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди ва сизларга қийинчиликни хоҳламайди. Саноғини мукаммал қилишингиз ва сизни ҳидоятга бошлаган Аллоҳни улуғлашингиз учун. Шоядки шуқр қилсаларингиз” (Бақара 185).

Суннат ила маълум бўлган иллатга мисол: **суяк бўғимларининг бўшашиши.** Бу нарса уйқуда таҳорат кетишига иллат қилинган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

فَإِنَّهُ إِذَا نَامَ مُضْطَجِعًا اسْتَرْخَتْ مَفَاصِلُهُ

“У ётган ҳолида ухласа, унинг суяк бўғимлари бўшашади” деб айтганлар. (Абу Довуд ривояти).

Ижмоъ ила маълум бўлган иллатнинг мисоли: **кичиклик.** Бу нарса, яъни кичиклик ота ўзининг кичик боласига валий бўлиши учун иллат бўлишига ижмоъ қилинган. Шунингдек ақл ила балоғатга етишни отанинг ўз фарзанди ҳақидаги валийлигининг завоқ топишига ижмоъан иллат қилинган.

Ижтиҳод ила маълум бўлган иллатнинг мисоли: **рибовий молларда ўлчов билан бирга жинс.** Мана шу

нарса “олти нарса” ҳадисида рибонинг ҳаромлигига иллат қилинган. (“Олти нарса” ҳадиси:

الذَّهَبُ بِالذَّهَبِ ، وَالْفِضَّةُ بِالْفِضَّةِ ، وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ ، وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ ، وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ ، وَالْمِلْحُ بِالْمِلْحِ . مِثْلًا بِمِثْلٍ ، سَوَاءٌ بِسَوَاءٍ ، يَدًا بِيَدٍ .

“Тиллога тилло, кумушга кумуш, буғдойга буғдой, арпага арпа, ҳурмога ҳурмо, тузга туз; мислга мисл, тенгга тенг, қўлма-қўл. Қачонки мана шу навлар турли ҳил бўлганида қўлма-қўл бўлиш шарти ила ҳоҳлаганингизча сотаверинг” (Муслим ривояти)).

### **Иллатда икки нарса бўлиши шартдир:**

1. Салоҳият. Яъни мос, муносиб бўлишидир. Бунда иллат Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, салафлардан нақл қилинган иллатларга мувофиқ бўлади. Масалан балоғатга етмаган жувон масаласида унинг валийси унинг розилигисиз уни никоҳлаши жоиз. Зеро, у кичикдир. Мана шу иллатлаш мос, муносиб васф ила иллатлашга мисолдир.

2. Ўтимлилик. Яъни таъсир ўтказиш. Бунда иллатнинг асари айни ҳукмда ёки унинг жинсида зоҳир бўлади. Масалан “кўп кирди-чикди қилиш”нинг асари мушукнинг сўлагининг ҳукмида зоҳир бўлган. (Ва бу айни ҳукмдир. Зеро, бу кириб ва чиқиб юришга таъаллуқлидир). Ва “кичиклик”нинг асари кичикнинг молига унинг яқини валийлик қилишида зоҳир бўлган. (Ва бу ҳукмнинг жинсидир. Зеро, бу ерда навъ - мол ва нафснинг эътиборидан фарқлидир).

Иллат мос, муносиб келмасидан олдин унга амал қилиш саҳиҳ бўлмайди, зеро, бу шаръий амалдир. Мос, муносиб

келиш собит бўлгач унга амал қилиш фақатгина ўтимлилик бўлгач вожиб бўлади. Зеро, иллатда фақатгина мос, муносиб келиш бўлсаю ўтимлилик бўлмаса, иллатнинг рад қилиниш эҳтимоли бўлади. (Иллатнинг саҳиҳлиги унинг асарининг ўринлардан бирор ўринда зоҳир бўлиши ила англанади. Масалан кичикликнинг асари кичикнинг молига унинг яқини валийлик қилишида зоҳир бўлган).

### **Қиёс икки навдир:**

1. Фаръдаги ҳукм аслдаги собит ҳукмнинг навъидан бўлади. Масалан “Ёш ўғил боладаги кичиклик никоҳлашда валий бўлишнинг иллатидир. Бас, иллат мавжуд бўлгани учун никоҳлашда валий бўлиш ёш қизда ҳам собит бўлади. Ва айна шу иллат ила балоғатга етмаган жувонда ҳам шу ҳукм собит бўлади” дейилгани каби.

2. Фаръдаги ҳукм аслдаги собит ҳукмнинг жинсидан бўлади. Масалан “кўп кирди-чикди қилиш” изн сўрашнинг соқит бўлишида иллатдир. Мана шу “кўп кирди-чикди қилиш”нинг жинси ила Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мушукнинг таҳорат сувига теккан сўлаги ҳақида ҳукм қилганлар. (Бу масаладаги иккинчи ҳараж биринчи ҳаражнинг навъидан эмас, жинсидандир. Зеро, мушук масаласидаги ҳараж ейиш, ичиш ва таҳорат борасида бўлади. Одамлар масаласидаги ҳараж кириш ва чиқиш борасида бўлади).

### **Сабаб, шарт, монеъ:**

(Вадъий **وَضْعِي** ҳукмлар бештадир: иллат, сабаб, шарт, аломат ва монеъ. Ҳукмга таъаллуқли бўлиб зотида ҳукмдан

бошқа бўлган нарса ё ҳукмга таъсир ўтказадиган ёки унга сабабчи бўлади. Агар таъсир ўтказса у иллатдир. Агар сабабчи бўлса, у сабабдир. (Сабаб гоҳида мажозан иллатга нисбатан ҳам ишлатилинади). Ёки унга таъсир ҳам ўтказмайди, сабабчи ҳам бўлмайди: агар ҳукмнинг мавжуд бўлиши унинг мавжуд бўлишига қараб қолган бўлса, у шартдир. Агар ҳукмга далолат қилса, у аломатдир).

**Ҳукм:** ўз иллоти ила собит бўлгани каби ўз сабабига таъаллуқли бўлади. Ўз шарти мавжуд бўлганида мавжуд бўлади. Ва унинг монъеси бўлганида манъ бўлади.

### **Буларнинг баёни:**

**Сабаб:** унга таъсир ўтказмаган ҳолда ўша нарсага етказувчи, олиб борувчи нарса. Масалан мақсадга олиб борувчи йўл каби ва қудуқдаги сувга олиб борувчи арқон каби. Буларнинг иккови сабабдир.

**Шарт:** нарса унингсиз тўғри бўлмайдиган нарса. Намоздаги таҳорат каби, шарт ўша нарсанинг моҳиятидан бўлмайди.

**Монъ:** сабаб мавжуд бўлган ҳолда ҳукм юзага келишини тўхтатиб қолувчи нарса. Масалан қариндошлик сабаби мавжуд бўлган ҳолда қатл сабабидан мерос олишдан ман бўлиш каби.

### **Иллат ва сабабга таъаллуқли нарсалар:**

1. Сабаб иллат билан жам бўлиб қолганида, ҳукм сабабга эмас, иллатга киритилади. Масалан бир инсон бошқа инсонга ўғирлашга ишора қилганида у ўғирласа, далолат қилувчи тўлаб бермайди. Зеро, у сабаб соҳибидир,

иллат соҳиби эмас. (Лекин далолат қилувчи, албатта, Аллоҳ ҳузурида қаттиқ гуноҳкор бўлади).

2. Гоҳида иллат сабаб ила собит бўлганида сабаб иллат маъносида бўлади. Шунинг учун ҳукм ўша сабабга киритилади. Зеро, у маънан иллатнинг иллатидир. Масалан чорвани етаклаган киши каби. Агар ўша чорва бирор нарсага талофат етказса, етаклаб борувчи тўлаб беради. Зеро, чорвада ихтиёр йўқ, айниқса етакланиб кетилаётганида. Бас, шунда сабаб иллат маъносида бўлиб ҳукмга киритилади.

3. Гоҳида иллатни англаб олиш мумкин бўлмай қолганида сабаб иллат ўрнига қўйилади. Бу иш мукаллафга ишни енгиллаштириш учун қилинади. Масалан чуқур уйқу бетаҳоратлик ўрнига қўйилган. Саҳиҳ хилват жинсий қўшилишнинг ўрнига қўйилган. Шунингдек рухсат масаласида сафар машаққат ўрнига қўйилган.

4. Сабаб бўлмаган нарса гоҳида мажозан сабаб деб номланади. Масалан қасам каффوراتга сабаб деб номланади. Ваҳоланки каффوراتга ҳақиқий сабаб қасамни бузишдир.

Билгинки намознинг вожиб бўлишига сабаб – вақтнинг кириши, рўзанинг вожиб бўлишига сабаб – ой кўрилиши, закотнинг вожиб бўлишига сабаб – ҳақиқатан ёки ҳукман ўсувчи нисобга эга бўлиш, ҳажнинг вожиб бўлишига сабаб – Байтдир, фитр садақасининг вожиб бўлишига сабаб – боқаётган бошлари ва уларга валийлик қилиши, ушрнинг вожиб бўлишига сабаб – ҳақиқатдан ўстирувчи ерлар, хароажнинг вожиб бўлишига сабаб – зироатга салоҳиятли

бўлган ерлар, таҳоратнинг вожиб бўлишига сабаб – баъзилар наздида намоз, баъзилар наздида намоз шартдир сабаб эса бетаҳоратликдир, ғуслнинг вожиб бўлишига сабаб – ҳайз, нифос ва жунублик.

(Закот масаласидаги ҳақиқий ўсиш – туғилиш, насл қолдириш, тижорат кабилар ила зиёда бўлиш. Ҳукмий ўсиш – моли ўз қўлида ёки ноибининг қўлида бўлгани учун уни зиёда қилишга имкон бўлиши. Фитр садақаси масаласидаги боқаётган ва валийлик қилаётган бошлари – ўзи, кичик боллари ва ходим қулларидир, тижорат учун сақлаётган қуллари эмас).

### **Монеълар тўрттадир:**

1. Иллатнинг юзага келишини ман қилувчи монеъ. Масалан ҳур одамни, ўлимтикни, оққан қон кабиларни сотиш. Бу ҳолатларда - сотишга ярамаслик савдонинг юзага келишини ман қилади.

2. Иллатнинг комил бўлишини ман қилувчи монеъ. Масалан йил асносида нисобнинг ҳалок бўлиши закотнинг вожиблигини ман қилгани каби.

3. Ҳукмнинг бошланишини ман қилувчи монеъ. Масалан хиёр шарти ила сотиш сотиб олувчи учун мулкнинг собит бўлишини ман қилгани каби.

4. Ҳукмнинг давом этишини ман қилувчи монеъ. Масалан балоғатга етгандаги хиёр никоҳ ҳукмининг давомини ман қилгани каби.

### **Қиёсни даф қилиш саккиз важҳ ила бўлади:**

1. Қарши туриш. Бу важҳда далил келтирувчининг далилини бутунлай ёки қисман қабул қилинмайди. У икки навдир:

(а) Иллатни ман қилиш. Масалан Шофеъий раҳимаҳуллоҳнинг “Фитр садақаси фитр (оғиз очик бўлиш вақти) ила вожиб бўлади. Шунинг учун фитр (оғиз очик бўлиш) кечаси вафот топган одамдан соқит бўлмайди” деганларини “Унинг вожиб бўлиши фитр (оғиз очик бўлиш вақти) ила эканлигига таслим бўлмаймиз. Унинг вожиблигига боқаётган ва валийлик қилаётган бошларнинг сони иллатдир” деб иллатни ман қилиш каби. (Шофеъий раҳимаҳуллоҳ “Фитр садақаси Рамазон ойининг охирги кунни қуёш ботиши ила вожиб бўлади. Шунинг учун фитр кечаси Исломга кирган ёки туғилган учун фитр садақа вожиб бўлмайди. Ўша кеча вафот топган инсон учун вожиб бўлади” деганлар. Биз айтамыз (яъни, Ҳанафийлар) “Фитр садақаси фитр кунни фажр бўлиши ила вожиб бўлади. Бас, аввалгиларга вожиб бўлади, кейингига вожиб бўлмайди”).

(б) Ҳукмни ман қилиш. Масалан Шофеъий раҳимаҳуллоҳнинг бошга масҳ тортиш масаласида “У рукндир, шунинг учун бошқа ювиш фарз бўлган аъзоларни уч маротаба ювиш суннат бўлганидек унда ҳам уч маротаба ювиш суннатдир” деганларини “Биз аъзоларни ювишда уч маротаба ювиш суннат эканлигига таслим бўлмаймиз. Балки бу масаладаги суннат фарз ювишдан кейин ювишни комил қилишдир” деб ҳукмни ман қилиш каби.

2. Иллат тақозо қилган қавлни айтиш. Бу - иллатга таслим бўлган ҳолда ҳукм далил келтирувчи айтган



ҳукмдан бошқа ҳукм эканлигини баён қилишдир. Масалан Зуфар раҳимаҳуллоҳ “тахоратда қўлни ювишда тирсак ғоятдир. Бас, тирсак ювилиши - назарда тутилганнинг ичига кирмайди” деганларида “Тирсак қўлнинг елка тарафдан келган қисм учун ғоядир, ювилиш ғояси эмас. Шунинг учун ювилиши назарда тутилганнинг ичига киради” деб иллат тақозо қилган қавлни айтганимиз каби.

### 3. Қалб (ағдариш). У икки навдир:

(а) Иллатни ҳукмга, ҳукмни иллатга қалб қилиш. Масалан Шофеъий раҳимаҳуллоҳ “Бир ҳовуч таомни ўзининг жинсидаги икки ҳовуч таомга сотиш ҳаром бўлади. Зеро, ҳудди пулларга ўхшаб, миқдори кўп бўлган нарсада жорий бўлган рибо, миқдори кам бўлган нарсада ҳам жорий бўлади” деганларида “Йўқ, ҳудди пулларга ўхшаб, миқдори кам нарсада жорий бўлган рибо, миқдори кўп бўлган нарсаларда ҳам жорий бўлади (шунинг учун таомнинг бир ёки икки ҳовучида рибо бўлади демаймиз)” деб қалб қилганимиз каби.

(б) Ҳукмнинг иллатини ўша ҳукмнинг зидди бўлган ҳукмнинг иллатига қалб қилиш. Масалан Шофеъий раҳимаҳуллоҳ “Рамазон рўзаси фарз рўзадир. Шунинг учун уни қазо рўза каби таъйин қилиш шартдир” деганларида “Рамазон рўзаси фарз рўза, аммо ҳудди қазо рўзада банда қазо рўзани таъйин қилгани каби, шарият Рамазон рўзасини таъйин қилгани учун унда таъйин қилиш шарт бўлмайди” деб қалб қилганимиз каби.

4. Акс. Бунда ҳукмни аввал келтирилган мисолига хилоф ўлароқ рад қилинади. Масалан Шофеъий

раҳимаҳуллоҳ “Аёлларнинг тақинчоқларида ҳудди иш кийимида закот бўлмагани каби закот бўлмайди” деганларида “Ундай бўлса, ҳудди иш кийимида закот бўлмагани каби эркакларнинг тақинчиоқларида ҳам закот бўлмаслиги керак эди!” деб ҳукм рад қилингани каби.

5. Таъйин қилишнинг фосид эканлиги. Бунда иллат ҳукмга нисбатан салоҳиятли эмаслигини, нотўғри таъйин қилинганлигини баён қилинади. Масалан Шофеъий раҳимаҳуллоҳ “Эр-хотиндан бирининг Исломга кириши ҳудди икковидан бири муртад бўлгани каби никоҳни фосид қилади” деганларида “Ислом ҳуқуқларни сақловчи бўлиб танилгандир. Ҳуқуқларни кетказиб юборувчи бўлиб эмас” деб баён қилингани каби.

6. Фарқ. Бунда икки иш орасидаги фарқни баён қилинади. Масалан Шофеъий раҳимаҳуллоҳ “Фақирни беҳожат қилиш учун болиғнинг молида закот вожиб бўлгани каби, балоғатга етмаганнинг молида ҳам закот вожиб бўлади” деганларида “Болиғнинг молида закот уни гуноҳлардан поклаш учун бўлади, фақирни беҳожат қилиш учун эмас. Бас болиғ билан болиғ бўлмаган бу масалада фарқлидир” деб фарқлангани каби.

7. Бекор қилиш. Бунда иллат турганида унинг кетидан ҳукм келмаганини баён қилишдир. Масалан Шофеъий раҳимаҳуллоҳ “Таҳорат қилиш – поклашдир. Бас, таҳорат қилишда ҳудди таяммумдаги каби ният шартдир” деганларида “Бўлмаса нима учун кийим ва баданни поклашда ният шарт бўлмайди?” деб баён қилингани каби.

8. Муъораза. Бунда нариги тараф қоим қилган далилнинг хилофига далил қоим қилинади. Масалан Шофеъий раҳимаҳуллоҳ “Масҳ қилиш таҳоратда рукндир. Бас, ювишда бўлгани каби масҳни уч маротаба қилиш суннат бўлади” деганларида “Масҳ рукндир. Бас маҳсига масҳ тортишда таяммумдаги каби уч маротаба қилмаслик суннат бўлади” деб хилоф қилингани каби.

### **Машруъотлар тўрт қисмдир:**

1. Фарз. Луғатда “ўлчаш” маъносида келади. Шариятда шубҳаси бўлмаган қатъий далил ила собит бўлган нарсадир.

Ҳукми: Унга амал қилиш ва эътиқод қилиш лозимдир. Уни рад қилиш куфрдир.

2. Вожиб. Вужуб, яъни сукуут (тушиш)дан олинган (Яъни банда устига унинг ихтиёрисиз тушадиган нарса). Шариятда шубҳа бор далил ила собит бўлган нарса. Масалан таъвил қилиниши мумкин бўлган оятлар, оҳод хабарларнинг саҳиҳлари каби. Мисол: витр намози ва ҳайит намозлари.

Ҳукми: Унга амал қилиш борасида у фарз кабидир. Бас, уни тарк қилиш жоиз эмас. Эътиқод масаласида нафлдир. Бас, унга эътиқод қилиш фарзнинг даражасигидек эмас. Уни таъвил ила рад қилиш куфр эмас. (Аммо фосиқликдир).

3. Суннат. Луғатда “йўл” дегани. Шариятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёки у кишидан сўнг хулафои рошидийн бардавом бўлган нарсалардир.

Ҳукми: Кишидан уни тирилтириш талаб қилинади. Уни тарк қилгани учун маломатга мустаҳиқ бўлади. Аммо

камдан-кам ҳолларда тарк этса ёки узр ила тарк этса, бундай эмас.

4. Нафл. Луғатда “зиёда” дегани. Шариятда фарз ва вожиблардан зиёда нарсадир. Уни “татоввуъ” ва “мандуб” деб ҳам аташади.

Ҳукми: Уни қилган киши савоб олади. Тарк қилган киши иқобга учрамайди.

### **Шариятда наҳй қилинганлар учтадир:**

1. Ҳаром. Ҳалолнинг зидди. Шариятда шубҳаси бўлмагани қатъий далил ила уни қилишни тарк этиш жазм ила талаб қилинган нарса. Масалан зино, ўғрилиқ ва шу кабилар.

Ҳукми: Унинг наҳй қилинганлигига эътиқод қилишнинг лозим эканлиги ва унга амал қилишдан четланишнинг вожиб эканлиги. Уни рад этиш куфрдир. Уни узрсиз ҳолда қилиш иқобга учрашни вожиб қилади.

2. Макруҳ таҳримий. Макруҳи таҳримий шубҳаси бор далил ила тарк этилиши талаб қилинган нарсадир. Масалан қозиқ тиши бўлган йиртқич ҳайвонлар, тирноқли қушлар ва уй эшагининг гўштини ейишнинг ҳаромлиги каби.

Ҳукми: Ҳаром эканлиги гумонда ғолиб бўлган ҳолида унга амал қилишдан четланишнинг лозимлиги. Уни таъвилсиз рад этиш залолатдир. Унга таъвилсиз ёки узрсиз амал қилиш мазаммат қилиниш ва иқобга учрашни вожиб қилади.

3. Макруҳи танзиҳий. Макруҳи танзиҳий унда асл ҳаромлик бўлиб омма унга кўп йўлиққани учун – масалан мушукнинг сўлаги теккан сувдан таҳорат олиш – ёки унда асл мубоҳлик бўлиб уни мубоҳликдан чиқарувчи нарса ориз бўлгани ва унинг ҳаром даражасида эканлиги гумонга ғолиб келмагани учун – масалан йиртқич қушларнинг сўлаги теккан сувдан таҳорат олиш - макруҳи танзиҳий дейилган нарса.

Ҳукми: Уни тарк этган киши макруҳи таҳримийни тарк этгандаги савобдан кўра камроқ савоб олади ва уни қилувчи киши иқобга учрамайди.

### **Машруётлар икки навдир:**

1. Азимат. Луғатда “таъкидланган қасд” маъносида келади. Шариятда ҳукмлар ичидан аввал бошидан бизга лозим бўлган ҳукмлардир. Унинг қисмлари юқорида зикр қилинган фарз, вожиб ва бошқалар.

2. Рухсат. Луғатда “енгиллик” ва “осонлик” маъноларида келади. Шариятда Амрни қийинчиликдан енгилликка кўчиришдир.

### **Рухсат икки навдир:**

1. Ҳаромлик қолгани ҳолда феълга бўлган рухсат. Масалан тилда куфр калимасини айтишга мажбурланганида - ўзига ёки аъзоларидан бир аъзога қаттиқ зарар етишидан хавфда бўлган ва қалби иймон ила хотиржам бўлган ҳолида – куфр калимасини тил учида айтиш.

Ҳукми: Агар ўлдириладиган бўлса ҳам сабр қилса, шариатнинг наҳй қилган нарсасини улуғлагани учун ажрга эришган бўлади.

2. Сабаб қоим бўлган ҳолида ўзи мубоҳ қилинган рухсат. Масалан ўлимтик ейиш, хамр ичишга мажбурланган ёки очликда мажбур бўлинган ҳолда ейиш кабилар.

Ҳукми: Агар бош тортгани учун ўлдирилса ёки очликдан ўлса, мубоҳ қилинган нарсадан ўзини ман қилгани учун гуноҳкор бўлади.

### **(Китоб тугади, Аллоҳга ҳамд бўлсин)**

Ушбу китобга Дийбанддаги “Дорул Улум” илм даргоҳининг устозлари қаламига мансуб “Тасҳийлул Усул” китобининг тўртинчи фаслини илова қиламиз.

### **МАҲКУМУН АЛАЙҲ (устига ҳукм қилинган) ҲАҚИДА**

Ҳукмларнинг таъаллуқи бор тарафлардан бири “маҳкумун алайҳ”дир. Маҳкумун алайҳ - шариат эгасининг хитоби унга қаратилган мукаллаф бандадир. Мукаллаф бўлишлик ақл ва рушдга боғлиқдир. Ақл ўсади ва даражама-даража кўтарилади. Аммо, ақлнинг даражама-даража ўсиши махфий бир иш бўлгани учун ақлни маълум даражага яъни мукаллафлик даражасига етганини таъйин қилувчи зоҳир бир белги зарурдир. Мана шу белги

балоғатга етишдир. Бас, кишининг оқил ҳолида балоғатга етиши ақлнинг камоли ва нуқсони орасини ажратиб турувчи чегара бўлади. Бола мана шу ажратиб берувчи чегарага етганида унга шариятнинг барча ҳукмлари таъаллуқ топади.

Аммо, ақл камолатга етди деб эътибор қилинишдан аввал ҳам баъзи молий таклийфотлар (мажбуриятлар) бандаларга таъаллуқ топади. Масалан мажнун ёки ақли расо балоғатга етмаган бола ўзиники бўлмаган нарсага талофат етказиб қўйса, ўз молидан тўлаб бериши вожиб бўлади. Бу ҳолатда улар шарият ҳукмлари ила хитоб қилинмаган бўлсалар ҳам уларда инсонийлик маъноси буткул собит бўлгандир. Мана шу инсонийлик маъноси учун - ушбу ҳуқуқларни бўйнига олсин деб - зимма (мажбурият) ва аҳлият қилинган.

Шу сабабдан, бу ўринда инсонийлик тақозоси ила собит бўлувчи аҳлият ва шунингдек ақл, тамайюз تَمَيُّز (оқ-қорани ажратиш) тақозоси ила собит бўлувчи аҳлият ҳақида гапириш лозимдир.

(Инсонийлик дейилганида инсон ҳаёти давомида яратила бошланишидан то оқил ҳолида балоғатга етгунича босиб ўтадиган даврлар назарда тутилган.

Тамайюздан мурод – инсоннинг турли битимлар, ўша битимлар келтириб чиқарувчи натижалар, очиқ–ойдин ва енгил алдовларнинг маъноларини ўз ичига олувчи маъноларни билишдир. Фақиҳлар ушбу тамайюз учун етти ёшни чегара қилиб белгилаганлар. Аммо, етти ёшгача боладаги ақл ва тамайюзнинг эътибори йўқдир).

“Аҳлият” лугатда салоҳият яъни муайян бир нарсанинг яроқли бўлиши маъносида келади. Истилоҳда қуйидагича: Аҳлият – шахснинг унга шарият томонидан белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга салоҳиятли (яроқли) бўлишидир. Инсонийлик тақозоси ила собит бўлувчи аҳлият “аҳлиятул вужуб” деб аталади. Ақл тақозоси ила собит бўлувчи аҳлият “аҳлиятул адо” деб аталади.

## **АҲЛИЯТУЛ ВУЖУБ**

Аҳлиятул вужубнинг асоси - инсоннинг унга шарият томонидан белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга салоҳиятли (яроқли) бўлишидир.

**Аҳлиятул вужуб ё ноқис ёки комил бўлади.**

Ноқис аҳлиятул вужубда бандага шарият томонидан белгилаб берилган ҳуқуқлар собит бўлади, аммо унга шарият томонидан белгилаб берилган мажбуриятлар собит бўлмайди. Ноқис аҳлиятул вужуб оансининг қорнидаги ҳомилада бўлади. У мерос олади, унга васият қилинади. Лекин унинг ўзига ҳеч қандай ҳаққ вожиб бўлмайди.

Комил аҳлиятул вужубда бандага шарият томонидан белгилаб берилган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар собит бўлади. Комил аҳлиятул вужуб ҳар бир инсонга у туғилганидан бошлаб то ўлимигача собит бўлади.

## **АҲЛИЯТУЛ АДО**



Аҳлиятул адонинг асоси ақл ва тамайюздир. Ушбу аҳлият – шариат жиҳатидан эътибор қилинадиган важҳда феъл содир қилишга бўлган салоҳият (яроқлилиқ)дир.

### **Аҳлиятул адо ё ноқис ёки комил бўлади.**

Ноқис аҳлиятул адо тамайюз ёшидан бошланиб, балоғатга етилгунича давом этади. Тамайюз даври етти ёшдан кам ёшда бўлмайди.

Ноқис аҳлиятул адода Аллоҳнинг ҳаққларида ва бандаларнинг ҳаққларида бўлган асоратлар рўёбга чиқади. Аллоҳнинг ҳаққларида рўёбга чиқишига мисол балоғатга етмагани учун вожиб бўлмаган амал ундан содир бўлса, адо воқеъ бўлади. Бандаларнинг ҳаққларида рўёбга чиқишига мисол ҳиба олиш каби фақат манфаатнинг ўзидан иборат бўлган ҳолат тамайюз ёшидаги боладан – унга валийси изн бермаса ҳам - содир бўлса, адо рўёбга чиқади. Аммо талок, қул озод қилиш каби фақат зарардан иборат бўлган ҳолат тамайюз ёшидаги боладан – унга валийси изн берса ҳам - содир бўлса, эътиборга олинмайди. Олди–сотди, никоҳ каби манфаат ва зарар орасида бўлган ҳолатлар тамайюз ёшидаги боладан содир бўлганида, унга валийси изн берганидагина шариат тарафидан эътиборга олинади.

Комил аҳлиятул адо оқил ҳолда балоғатга етгач бошланади ва Аллоҳнинг ҳаққларида ва бандаларнинг ҳаққларида бўлган асоратлар тўлақонли равишда рўёбга чиқади.

Аллоҳнинг ҳаққлари борасида унга намоз, рўза, ҳаж ва шу каби барча шарият тақлифотлари юкланади ва ҳар бир феъли учун жавобгар бўлади.

Бандаларнинг ҳаққлари борасида – рушд ва ақл эгаси бўлиб балоғатга етишган бўлса – келишувлари, тасарруфлари, ўзининг мулкида қилган тадбирлари рўёбга чиқади. Унинг тарафидан қилинган барча шартномалар ва тасарруфотлар бирор кишининг ижозатига боғланмаган ҳолда саҳиҳ бўлади.

“Рушд”дан мурод мулкни яхши тасарруф қилиш ва уни ўстириш бўлиб, рушдга етишиш учун муайян бир ёш белгиланмаган. Аммо бола рушдсиз балоғатга етса, фақиҳларнинг иттифоқи ила унга моли топширилмайди. Ушбу ман қилиш Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздларида йигирма беш ёшга тўлгунича давом этади. Йигирма беш ёшга кирганида ақли жойида бўлар экан рушдига қараб ўтирилмасдан унга моли топширилади. Жумҳур уламолар наздида эса ушбу ман қилиш унда рушд ҳосил бўлгунича давом этади ва саксон ёшга кирганида ҳам рушд ҳосил қилмаган бўлса, унга моли топширилмайди.

## **АҲЛИЯТГА ОРИЗ БЎЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР**

Билгинки ушбу аҳлиятга гоҳида турли ҳолатлар ориз бўлади ва булар икки қисмдир:

1. Самовий ориз бўлувчилар. Бу каби ориз бўлувчилар жиннилик, унутиш, уйқу ва касаллик каби инсоннинг

ихтёридан ташқарида Аллоҳ тарафидан собит бўладиган ҳолатлардир.

2. Касб қилинган ориз бўлувчилар. Бу ҳолатларда инсоннинг касби ва ихтиёри бўлиб улар икки навдир: Аввалгиси: ҳазл, мастлик ва билмаслик каби инсоннинг ўзи тарафидан бўлувчи ҳолатлар. Иккинчиси: мажбурлаш каби бошқа инсон тарафидан бўлувчи ҳолатлар.

Ушбу ориз бўлувчи ҳолатлардан жиннилик, уйқу ва ҳушидан кетиш каби аҳлиятул адони буткул зоил қилувчилари, ақли йўқлик каби аҳлиятул адони қисман ноқис қилувчи аммо зоил қилмайдиганлари ва рушдсизлик, бошқа динда бўлиш каби аҳлиятул адони зоил қилмайдиган, ноқис қилмайдиган аммо унинг баъзи ҳукмларини ўзгартирадиганлари бор.

**Тамом.**